Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

# Ishonch

2019 йил 10 сентябрь • сешанба • № 109-110 (4239)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Жиззах вилояти

Истиқлол иншоотлари






## МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

### *Зомин шаҳарчаси марказида фойдаланишга топширилган «Зомин деҳқон бозори» шу асосда бунёд этилди*

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг сармояси ҳисобига барпо қилинган янги бозорда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи ва харидор учун қулай, кенг, санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган алоҳида расталар ишга туширилди. Сут, гўшт, балиқ каби маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган музлатгичлар, совутгичлар билан жиҳозланган турғун савдо дўконларида йўлга қўйилди.

500 та савдо растасига эга замонавий типдаги янги бозорда сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар яратилган.

Бозор ҳудудида тадбиркорлар учун ташкил этилган «Миллий банк»нинг махсус шохобчасида банкоматдан пластик картадаги пулни нақдлаштириб олиш мумкин.

Бозор мажмуаси ва унинг атрофида барпо этилган замонавий иншоотлар, автотураргоҳлар, йўллар, бекатлар мажмуанинг таркибий қисми сифатида одамларга қулайлик яратаётир.

**Ўз мухбиримиз**

**Миллий юксалиш – бизнинг миллий ғоямиз**

## Отабек шуурининг оний сурати

### *ёхуд Қодириёна тимсол-рамзнинг беқиёс тантанаси*

Тахмин қилинса, «Ўткан кунлар»нинг аввалида келадиган «Ёзувчидан» сўзини Абдулла Қодирий асарга сўнгги нуқта қўйгач ёзган. Роман яратиш ғояси туғилган ва шаклланган кезларда адиб «янги асар» ҳаваси билан яшаган бўлиши мумкин, лекин у романнинг ипидан-игнасигача айнан мана шундай тугал шакл-шамойилга келишини аввалдан тасаввур қилиши мумкин эмасди. Муаллиф сюжет қурилишида, жумладан, серҳаяжон лавҳалар яратишда оддий халқ руҳига сингиб кетган эртакчилик, достончилик услубидан унумли фойдаланган, шу билан бирга воқеалар, зиддият-у тўқнашувлар занжири тизгинини мутлақо ўз ҳолига қўйган, бунинг натижасида роман яратилган давр кишиларини қўйиб турайлик, ҳозир ва келгусида уни ўқишга жазм этажак барча тоифадаги китобхонларнинг ҳам ҳаммаси бирдек илғайвермайдиган адабий тажрибалардан моҳирона фойдаланган.

Адибнинг ўзи «кичкина бир тажриба» деб атаган бундай услубий ёндашувлар қаҳрамонларнинг, айниқса, мураккаб руҳий ҳолатлари тасвирида кўпроқ учрайди.

4▸

Қорақалпоғистон Республикаси

**Президент ташрифидан сўнг...**



## Ўзгаришлар оғушидаги Оролбўйи

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиб, аҳоли билан мулоқот ўтказиш мақсадида шу йилнинг 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлган эди.

Президентимизнинг ҳар бир ташрифидан кейин воҳа тараққиётида, Қорақалпоғистон ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда.

5▸

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида**




## Муҳим масалаларга алоҳида эътибор

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси катта мажлислар залида касаба уюшмалари Республика кенгашлари, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раислари, Федерация Кенгаши ҳамда тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Федерация Кенгаши раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.

2▸

Фарғона вилояти

**Фестиваль**

## Дунё ҳунармандлари анжумани

### *Қўқон шаҳрида I Халқаро Ҳунармандчилик фестивали бошланмоқда*

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги «Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган мазкур тадбирга дунёнинг 80 тага яқин мамлакатидан қарийб 300 нафардан ортиқ моҳир ҳунарманд ташриф буюрган.

Қўқон шаҳрида Халқаро ҳунармандчилик фестивалини юқори савияда ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилди. Шаҳар кўчалари байрамона безатилган. Қисқа қилиб айтганда, Хўқанди латиф бугун бутун дунё аҳлини лол қолдирадиган янги афсона тайёрлаган.

Фестиваль иштирокчилари ташриф буюриши кўзда тутилган 12 та тарихий обидани таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Бундан ташқари, 20 дан ортиқ Қўқон миллий ҳунармандчилиги намояндаларининг уй устахоналари, 4 та маданий дам олиш маскани фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар ташрифи учун тайёрланган. Фестивалнинг асосий тадбирлари бўлиб ўтадиган «Худоёрхон ўрдаси» маҳаллий ва хорижлик ҳунармандларни ўз бағрига олган.

Марказий майдоннинг ён атрофида ҳунармандчилик санъатига доир турли кўргазмалар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, қадимий ҳунармандчилик дастгоҳлари ва маҳсулотларини яратиш жараёнлари, ҳунармандчиликка оид бадиий ва ҳужжатли фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиши ҳамда уларнинг сотуви ташкил этилади.

Фестиваль доирасида миллий либослар кўргазмали чиқишлари, аския ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилади.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

## КУН НАФАСИ

### ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмонни** Мустақиллик куни билан **табриклади.**

**president.uz**

* * *

Президент **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида»**ги фармонга имзо чекди.

**uza.uz**

* * *

**«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент қарори қабул қилинди.

**uza.uz**

* * *

**«Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»** Президент фармони қабул қилинди.

**«Huquqiy axborot» Телеграм канали**

* * *

Олий Мажлис Сенатида 9 сентябрь куни Сенат Раиси биринчи ўринбосари **Содиқ Сафоевнинг** Норвегия Ташқи ишлар вазирлиги махсус элчиси **Кнут Воллебек билан учрашуви** бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссияси фан ва таълим бўйича таркибий комиссиясининг ҳамраиси **М.Боровская** жорий йил 9 сентябрь куни **мамлакатимизга келди.**

**uza.uz**

* * *

«Uzbekistan Airways» авиакомпанияси шу йилнинг 5 октябридан бошлаб **Тошкент – Киев – Тошкент йўналишида ҳафталик чартер рейси**ни йўлга қўймоқда. Рейслар «Airbus A320» самолётларида ҳар шанба куни амалга оширилади.

**in4avia Телеграм канали**

* * *

Шу йилнинг 1–7 сентябрь кунлари Индонезиянинг Бали оролида бўлиб ўтган **III Жаҳон ирригация форуми ҳамда Халқаро ирригация ва дренаж комиссиясининг 70-Халқаро ижроия кенгаши йиғилишида** Сув хўжалиги вазири, ирригация ва дренаж миллий қўмитаси раиси Шавкат Ҳамроев бошчилигида **мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.**

**kun.uz**

* * *

**Дилбар Ғуломова** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

**uza.uz**

* * *

**Камолиддин Шерматов** Тошкент вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

* * *

Юртимиздаги фермер хўжаликлари электр энергиясини тежаш мақсадида замонавий қурилмаларни ўрнатишни бошлади.

**Энергетика вазирлиги Матбуот хизмати**

### ЖАҲОН

Тожикистон Республикасида Роғун ГЭСининг иккинчи агрегатини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *

Хитой жануби-ғарбидаги Сичуань провинциясида 5,4 магнитудали зилзила содир бўлди. Сўнгги маълумотларга қараганда ер силкинишлари сабабли жабрланганлар сони 63 кишига етган, 2,4 минг нафардан ортиқ киши эвакуация қилинди.

**РИА Новости**

* * *

Туркия қуролли кучлари ўз зирҳли ҳарбий техникаларини Сурия билан чегара ҳудудига кўчиришда давом этмоқда.

**Anadolu Ajansi**

* * *

Хитойлик астрономлар сайёрамиздан 3 миллиард ёруғлик узоқлигида жойлашган бўлиши мумкин бўлган манбадан тарқалаётган тезкор сигналларни аниқлашди.

**«Синьхуа» ахборот агентлиги**

* * *

Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятидаги Қора-тош қишлоғи жамоатчилиги **жуда катта сарф-харажатли тўйларни чеклаш ҳақидаги қарор**га келишди.

**Turmush нашри**

* * *

Таиланд Туризм вазирлиги **туристлар учун солиқ жорий этишни тўхтатиб туради.**

**Bangkok Post газетаси**

* * *

Франциянинг Ижтимоий масалалар ва соғлиқни сақлаш вазири Аньес Бюзен Францияда ёзда кузатилган **аномал иссиқлик 1,5 минг кишининг ўлимига сабаб бўлган**ини маълум қилди.

**Franceinfo нашри**

* * *

АҚШ президенти Дональд Трамп билан учрашувга АҚШга келган Кувайт амири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ тиббий кўрикдан ўтиш учун шифохонага ётқизилди.

**KUNA ахборот агентлиги**

* * *

Бойқўнғирда «Союз-6» ва «Союз-5» ракета ташувчилари парвоз қилишига мўлжаллаб қурилаётган ракета-космик мажмуаси Қозоғистоннинг биринчи президенти Нурсултон Назарбоев номи билан аталади.

**Роскосмос**

* * *

Швециядаги Кебнекайсе тоғи чўққисидаги музликнинг эриши сабабли чўққи мамлакатдаги энг баланд чўққи мақомини йўқотди.

**The Guardian нашри**

# Муҳим масалаларга алоҳида эътибор

◂1



Дастлаб 4 сентябрь куни Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидланган масалалар, хусусан, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик ишлари қониқарли эмаслиги, қатор спорт федерациялари ва ҳокимликлар юқори натижаларни таъминлайдиган спортчиларга шароит яратишга етарлича эътибор бермаётгани танқид қилингани қайд этилди. Ушбу мусобақада касаба уюшмалари тасарруфидаги спорт муассасаларида тайёргарлик кўраётган спортчилар учун барча шароитларни муҳайё қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

Кун тартибига кўра, яқин кунларда бошланадиган пахта йиғим-терим мавсумида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, бу борада тизимли ишларни амалга ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Узоқ йиллар давомида шаклланиб қолган, пахта йиғим-терим мавсумида янада яққол кўзга ташланиб, халқимизнинг шаъни ва давлатимизнинг нуфузига салбий таъсир кўрсатувчи мажбурий меҳнат амалиётидан бутунлай воз кечиш, ҳар ким иш ва ўқиш жойида ўзига юклатилган вазифаларни ҳалол ва сидқидилдан бажариши учун шароит яратиш бугунги кун талабига айланмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси пахта йиғим-терим мавсумида меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш мақсадида теримчилар учун қулай меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат муҳофазаси ва гигиена қоидаларига риоя этилиши, уларга сифатли иссиқ овқат берилиши бўйича жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга қаратилган қайта алоқа механизми мавсум давомида узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш, бунда 1092 рақамли «Ишонч телефонлари», интернет сайтлар, телеграмм ижтимоий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланишни, қолаверса, мавсум давомида Савдо-саноат палатаси, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ННТлар билан ҳамкорликда пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бўлмаслиги борасида республиканинг барча ҳудудларида миллий мониторинг ўтказишни йўлга қўймоқда.

– Жорий йилги пахта йиғим-терими мавсумида миллий мониторинг ўтказишда АҚШ ҳамда Европа давлатлари касаба уюшмалари вакилларидан экспертларни таклиф этганмиз, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев. – Шу билан бирга, халқаро мониторинг гуруҳи ҳам мавсум пайтидаги жараённи кузатиб боради.

Касаба уюшмалари негизида ташкил этилган юридик клиника, қайта алоқа механизмининг тун-у кун ишлаб туриши, ҳудудларда тайинланган вакиллар бошқа жамоатчилик ишларидан озод қилиниши ҳамда мурожаатлар бўйича ўрганиш ўтказиши учун транспорт билан таъминланиши кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир аниқ ҳамда амалий чора-тадбирлар ҳам белгилаб берилди. Бу жараёнда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва бунда барча зарурий чораларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади

Йиғилишда жорий йилдаги ёзги соғломлаштириш мавсуми якуни, болалар оромгоҳларининг мавсум давомидаги натижалари таҳлил қилинди. Жумладан, 2019 йилда оромгоҳлар фаолияти ўтган йиллардагига қараганда анча самаралироқ бўлгани, кўпроқ болалар оромгоҳларга жалб этилиб, айрим оромгоҳлар 5-6 смена ишлагани, мавсум пайтида болалар билан боғлиқ бирорта кўнгилсиз ҳодиса юз бермагани алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ўртасида «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозида» республика танлови ўтказилиши бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ушбу танлов 3 босқичда ўтказилади. Унда иштирок этиш истагида бўлган номзодлар умумтаълим мактабларида камида 20 йиллик педагогик, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида эса камида 10 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Қайд этилдики, танлов ғолиблари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами арафасида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Чунончи, 1-ўринга муносиб деб топилган соҳа ходимига «Спарк» автомобили топширилади.

Йиғилиш кун тартибига кўра, 2020 йилда Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида ўтказиладиган ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш, кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг янги ва самарали механизмларини амалиётга татбиқ қилиш, ташкилий ишларни тартибга солиш, қолаверса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг янги кўринишдаги логотипини ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Бундан ташқари, йиғилишда касаба уюшмаларининг бошқарув тизимини қайта кўриб чиқиш, МДҲ ва бошқа чет эл касаба уюшмаларининг тузилиши, тажрибаларини ўрганиш ҳамда таклифлар бериш бўйича топшириқлар берилди.

**Аъзам АБУЛФАЙЗОВ,**
«ISHONCH»

Диққат, эълон!

## «УСТОЗЛАР – КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЭЪЗОЗИДА»

*Республика танлови*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ўртасида «Устозлар – касаба уюшмалари эъзозида» Республика танлови ўтказилмоқда.**

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2019 йилнинг 23 август куни «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчи мавқеини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мавзуга бағишлаб кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишига, хусусан, мактаб таълимини ривожлантириш, устозларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, улар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш борасидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилмоқда.

3 босқичда ўтказилаётган мазкур танловда иштирок этиш истагида бўлган номзодлар умумтаълим мактабларида камида 20 йиллик педагогик, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида эса камида 10 йиллик иш стажига эга бўлиши лозим.

Иштирокчилар тегишли ҳужжат ва материалларни Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман ва шаҳар кенгашларида ташкил этилган Ишчи гуруҳларига тақдим этадилар.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами арафасида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

**ХУСУСАН,**

**I ўринга муносиб деб топилган соҳа ходими «СПАРК» автомобили;**





**II ўринни эгаллаган иштирокчи «Samsung» музлатгичи;**

**III ўрин соҳиби «Samsung» кир ювиш машинаси билан тақдирланади.**



**Бундан ташқари, совриндорларга рағбатлантирувчи мукофот – Ноутбук топширилади.**



**Танлов тўғрисидаги батафсил маълумотларни (71) 256-61-84, (71) 252-14-57, (71) 252-22-64 телефон рақамлари орқали олишингиз мумкин.**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**




### ФАХРИЙЛАРГА ЭЪЗОЗ КЎРСАТИБ...

Яқинда Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси вакиллари бошқармада узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда пенсияда бўлган Ибодат Пиримова, Наврўз Ҳакимов ва Ҳанифа Азизова оиласига ташриф буюриб, улар ҳолидан хабар олишди. Фахрийларга пул мукофоти берилди. Бундан ташқари, Муборак тумани бўлимида ишлаб, вафот этган ходим Музроп Жониев хонадонида бўлиб, унинг оила аъзоларига ҳам пул мукофоти ҳамда ҳомийлар ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

### ФИДОЙИЛАР УНУТИЛМАЙДИ

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги «Фарғона кимё заводи» МЧЖ касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан корхонанинг бир гуруҳ фаол ёшлари иштирокида мустақилликни ҳимоя қилиш йўлида жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларидан хабар олиш, уларни хотирлаш мақсадида Марғилон шаҳрида жойлашган марҳум лейтенант Бобуржон Ғаниевнинг уй музейида бўлишди.

Музейда Бобуржон Ғаниевнинг онаси Мунавварxон Ғаниева билан суҳбат ўтказилди. Мунавварxон Ғаниева ўғлининг болалик чоғларини ва ўқишга кириб ҳарбий қисмда ишлаган даврларини эслаб, жанг майдонида кўрсатган жасорати ҳақида гапириб берди. Айтиш керакки, бу каби учрашувлар ёшлар онги ва қалбида Ватан қаҳрамонлари тимсолини гавдалантиришга ва улардек мард бўлишга, халқ фаровонлиги, Ватан равнақи йўлида собитқадам меҳнат қилишга ундайди.

### БАЙРАМ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Андижон шаҳридаги «ECO CLEAN TRANS» МЧЖ меҳнат жамоаси мустақилигимизнинг 28 йиллик байрами ва мазкур ташкилот ташкил топганига бир йил тўлганига бағишлаб тадбир ўтказди.

Тадбирда бир гуруҳ ишчи-ходимларга Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси томонидан эсдалик совғалари топширилди. Бир нафар ходимга сиҳатгоҳда даволаниш учун имтиёзли йўлланма берилди.

### ТАЪЛИМ РИВОЖИДА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан Сардоба туманидаги 6-сонли умумтаълим мактабига билим, спорт ва санъат йўналишларида иқтидорини намойиш этган фаол ўқувчиларга касаба уюшмалари совғалари – китоблар жамланмаси, спорт формаларини тақдим этилди.

### ХОДИМЛАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Термиз шаҳар кенгашига жорий йилнинг 2 август куни вилоят Статистика бошқармасининг хатига асосан, ташкилотнинг касаба уюшма қўмитаси раиси Зафар Тўраназаровга нисбатан «ҳайфсан» интизомий жазосини қўллашга розилик бериш тўғрисидаги хати келиб тушди.

Ўрганиш жараёнида З.Тўраназаровга ва яна бир қанча ташкилотлар ходимларига нисбатан қўлланилган «ҳайфсан» интизомий жазоси асоссиз бўлгани сабабли тармоқ касаба уюшмаси Термиз шаҳар Кенгашининг Раёсат қарорига асосан бекор қилинди.

### 60 ЙИЛЛИК ҚАДРДОН МАСКАН

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси лавозимида фаолият юритиб келаётган, «Дўстлик» ордени соҳиби Қутлимурод Собиров Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқалъа туманидаги Пахтачиовул қишлоғидаги 5-сонли умумтаълим мактабида бундан 61 йил илгари таълим олган.

Билимлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирок этган, мазкур мактабнинг собиқ ўқувчиси Қутлимурод Собиров мактаб учун шахсий кутубхонасидан 150 дона китоб ҳамда энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмасини совға қилди.

**«ISHONCH» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

Сирдарё вилояти | Касаба уюшмаси аралашгач

**Сирдарё вилояти наркология диспансерида навбатчи фельдшер вазифасида ишловчи Турсунали Абдураҳимов вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилди. Аризада у билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилингани баён этилган эди. Мурожаат бирлашма юридик бўлими ходимлари ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси томонидан ўрганиб чиқилди.**

## Шифокор ишга қайтди

Дастлаб ходимга Меҳнат кодексининг 181- моддаси, 2 - қисми билан 30 фоиз миқдорида жарима интизомий жазо берилган. Иккинчи бор эса иккита буйруққа асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган. Бироқ суриштирув жараёнида ушбу буйруқларнинг ноқонуний экани аниқланди. Чунки йиғилиш баёни қарор қисмида кимга нисбатан тақдимнома киритилгани аниқ кўрсатилмаган. Чунки иш берувчи томонидан касаба уюшмасига тақдимнома меҳнат шартномаси бекор қилинган куни киритилган. Унда Т.Абдураҳимов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиниши ҳақида эмас, интизомни бузганлиги юзасидан кейинги йиғилишларда қарор қабул қилиниши сўралган. Меҳнат кодексининг 101-моддасида иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилинишида олдиндан касаба уюшма қўмитаси розилиги талаб этилиши кўрсатилган.

Ушбу ҳолатда меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга буйруқдан нусха ҳамда меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаганлиги оқибатида мажбурий прогул учун ҳақ ундирилиши ҳолати юзага келган.

Ходимни ўз иш жойига тикланишини сўраб иш берувчи номига тақдимнома киритилди ва фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига мурожаат этилди.

Яқинда суднинг ҳал қилув қарорига асосан фуқаро Т.Абдураҳимов ўз ишига тикланиб, мажбурий прогул вақти учун иш берувчидан 1 975 542 сўм маблағ ундирилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«ISHONCH»

Бухоро вилояти | Миннатдорлик

## Бепул йўлланма ажратилди

Бугунги кунда иш фаолиятида фидоийлик билан меҳнат қилаётган ходимларга давлатимиз катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. Биргина ўзимнинг мисолимда айтадиган бўлсам, ҳозирда Республика Маънавият ва маърифат маркази Шофиркон тумани бўлими раҳбари лавозимида ишлаб келмоқдаман. Шу йилнинг 4 сентябрь куни менга Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Чортоқ» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги муносабати билан Бухоро вилоятидан 28 нафар узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган касаба уюшмаси фаолларига «Чортоқ» санаторийсига бепул йўлланмалар ажратилиши ва камтарона хизматимнинг юқори баҳоланиши мен учун кутилмаган совға бўлди. Бунинг учун Бухоро вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасига ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ўз миннатдорлигимни билдираман.

**Карим БОМУРОТОВ,**
Республика Маънавият ва маърифат маркази Шофиркон тумани бўлими раҳбари, касаба уюшма аъзоси

Андижон вилояти

Муносабат

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлаб яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида кун тартибига қўйилган долзарб вазифалар биз – ўқитувчиларга чиндан-да жуда катта масъулият юклади.**

# Касбимга меҳрим янада ортмоқда

Тадбирда мен ҳам вилоят ҳокимлиги студиясидан қатнашдим. Президентимизнинг нутқини, фикр-мулоҳазаларини диққат билан тингладим. Шу соҳа вакили сифатида тизимга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан, таълимни ривожлантиришга қаратилган катта режалардан беҳад қувондим. Шунинг баробарида тўпланиб қолган жиддий камчиликларда ҳамкасбларим қатори менинг ҳам айбим бор деган ўй кўнгилдан ўтди.

Эътибор беринг, сўнгги икки йилда мамлакат бўйича 12 минг 871 нафар эркак ўқитувчилар халқ таълими тизимига қайтибди. Бу, шубҳасиз, таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлигини ҳисобга олиб, кўрилган аниқ чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар меваси.

Ёки дейлик, рағбат масаласи. Қайд этилганидек, охирги уч йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Давлат миқёсидаги бундай ғамхўрлик барча ҳамкасбларим қатори, менинг фаолиятимга ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Иқтисодий имкониятларим ортиб, рўзғоримга барака кирмоқда. Ишга нисбатан янаям меҳрим ошди. Ахир кундалик маиший ташвишлардан қутулгач, ўқитувчининг касбига бўлган меҳри ҳам ортади-да.

Қалб амри билан айтганда, шу кунга қадар давлат томонидан соҳа вакилларига яхшигина имконият ва имтиёзлар берилди. Бу жараён давом этмоқда. Нафақат моддий рағбат масаласида, балки ўқитувчиларни нокерак ҳамда вазифасига кирмайдиган юмушларга жалб этмаслик, маҳаллий ҳокимликларнинг уларнинг ишига аралашмасликлари борасида ҳам. Хуллас, муаммоларни бартараф этиш учун давлат томонидан жиддий қадамлар ташланди. Энди қадам ташлаш навбати – ўқитувчиларга!

Ҳа, асосий муаммолар айнан ўқитувчиларда қолди. Чунки рағбат, эътибор ва ғамхўрлик юқоридан бўлаётган экан, обрў, ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром қуйидан топилади. Боиси, билимли, ўз устида изланиб ишлайдиган, ёшларга меҳр билан сабоқ берадиган, уларнинг кўнглига йўл топа оладиган ўқитувчигина ана шундай рутбага, жамиятда қадр-қимматга сазовор бўлади.

Гап келганда айтай. Яқинда янги ўқув йили олдидан сарҳисоб ва режаларга бағишланган анъанавий август кенгаши чоғида Асака тумани халқ таълими бўлими мудири Ўткирбек Сулаймонов билан дилдан мулоқот қилдик. Аён бўлдики, ўқитувчиларнинг билимдонлиги борасида яхшигина муаммоларимиз бор экан. Қаранг, олий малака тоифаси ҳимояси учун тест жараёнида туманимиздан қатнашган 13 нафар педагогнинг 3 нафаригина синовдан ўтди. Биринчи тоифали 66 кишидан 41 нафари етарли балл йиға олмасдан бир поғона пастга, яъни иккинчи тоифага тушган бўлса, биринчи малака тоифасига даъвогар ҳисобланмиш 309 нафар ўқитувчининг 147 нафаригина етарли балл йиға олган, холос. Бу рақамлар ҳар бир муаллимни ўйлантириши, жиддий изланишга, малакани оширишга, иштиёқ билан ишлашга ундаши зарур. Чунки таълим тизимида ўқитишнинг янги ёндашувларига, халқаро тажрибаларни қўллашга ўтаётган эканмиз, биринчи навбатда ўқувчининг эмас, ўқитувчининг саводхонлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Саводхон, билимдон ва жонкуяр ўқитувчи эса ҳар қандай ўқувчининг кўнглига йўл топа билади, уни ортидан эргаштира олади.

Мамлакат миқёсидаги йиғилиш баҳонасида мен ҳам дўппини бир четга қўйиб, жиддий ўйландим, ўзим учун режалар белгилаб олдим. Тизимда ўттиз йилга яқин ишлабман. Салоҳиятим етганича кўплаб шогирдлар тарбияладим. Аммо бу ўқиш-ўрганиш жараёни тўхтаб қолади, дегани эмас. Президентимиз эътибори бошқалар қатори мени ҳам ижодий изланишга, фидойилик билан меҳнат қилишга руҳлантирмоқда. Шу билан бирга, қурбим етганича ёш ҳамкасбларимга ҳам ҳаётий тажрибаларни, бор билимимни ўргатишга интилавераман.

Мана янги ўқув йили ҳам бошланди. Биз ҳам қадамларни каттароқ олишимиз керак.

**Абдурашид ЭРГАШЕВ,**
Асака туманидаги 26-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Бухоро вилояти

Ижтимоий ҳимоя

# Хайрли ишлар бардавом

**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши ва бошланғич касаба уюшмалари қўмитаси бир қатор хайрли ишлар амалга оширди.**

Жумладан, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида тармоқ тизимидаги корхона ташкилотларда меҳнат қилаётган, кам таъминланган кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож касаба уюшма аъзоларини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг август ойида 500 нафардан ортиқ ишчи-ходимнинг фарзандлари учун ўқув қуроллари, мактаб сумкаси олиб берилди. Ушбу мақсадлар учун касаба уюшмалари ҳисобидан 45 млн. сўм маблағ сарфланди.

**Туроб ҚУЛИЕВ,**
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Спорт

# Отам, онам ва мен–спортчи оила

**Ғиждувон туманидаги «Ёшлик» спорт мажмуасида истиқлолнинг 28 йиллиги муносабати билан «Отам, онам ва мен – спортчи оила» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда оилалар 7 та шарт бўйича беллашди.**

Танлов якунларига кўра 1-ўринни Ғиждувон туманидан Бекмуродовлар, 2-ўринни жондорлик Муҳамедовлар ва 3-ўринни шофирконлик Суннатовлар оиласи эгаллади.

Ғолибларга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг совғалари топширилди.

**Розия НУСРАТОВА,**
Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

# Соғлом турмуш тарзи тарғиботи

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши ишчи-ходимлар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш, жамоалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида спорт тадбирлари ташкил этди. Унда 66 та таълим муассасасидан 350 нафар ходим ўзаро беллашди.**

– Педагог ходимларимиз, айниқса, ёш хотин-қизлар мусобақаларда фаол иштирок этди, – дейди 29-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Розия Абдувагапова. – Бу тадбирлар аъзоларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботида муҳим омил бўлмоқда.

175 нафар ғолиб ва совриндорга туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

# Муҳим ташаббусларга ҳисса

**Ғиждувон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мактабгача таълим муассасалари ходимлари ўртасида «Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус» доирасида ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилганини инобатга олган ҳолда спорт мусобақалари ташкил этилди.**



Спорт мусобақаларида тумандаги 63 та МТМдан 63 нафар спорт ихлосмандлари иштирок этди. Мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган ва иштирок этган спорт ихлосмандлари Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Юнус ҲОМИДОВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши раиси



Сирдарё вилояти

Туризм



# Кўҳна кентга саёҳат

**Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси 50 нафар кексалар, илғор фермер хўжалик меҳнаткашлари ва ёзги болаларни соғломлаштириш оромгоҳлар ходимлари учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этди.**

Зиёратчи сайёҳлар Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Бибихоним ва Ҳазрати Ҳизр масжидлари, Шоҳи Зинда ёдгорлиги, Хўжа Дониёр зиёратгоҳи ҳамда Имом Бухорий мажмуасини томоша қилишди.

– Касаба уюшмалари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу саёҳатда ўтган ўқув йили давомидаги бутун чарчоқларимизни унутдик, – дейди Янгиер шаҳар халқ таълими бўлими ходими Феруза Аҳмедова. – Кўтаринки кайфиятда янги ўқув йилини бошладик.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«ISHONCH»

Тақдимот

**Гулистон шаҳридаги 1-Болалар мусиқа ва санъат мактабида «Сирдарёлик барҳаёт муаллимлар» китобининг тақдимоти ўтказилди.**

# Устозлар хотирасига аталган китоб

Мониторда хотира китобидан жой олган марҳум устозларнинг нурли сиймолари намоён бўлди. Ҳофиз Охунжон Мадалиевнинг «Унутмоқ осонмас бизларни» қўшиғи янграганда даврада маҳзун кайфият ҳукм сурди. Китобда Сирдарё таълими соҳасига муносиб ҳисса қўшган, бугун орамизда йўқ 90 нафарга яқин устозларнинг ибратли ҳаёт йўллари ёд этилган.

– Бугунги тадбирдан икки мақсадни кўзлаганмиз, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Абдушокир Абдураҳмонов. – Ушбу хотира китобининг тақдимотини ўтказиш, шу билан бирга янги ўқув йили олдидан бугунги кунда умргузаронлик қилаётган фахрий устозларнинг дуоларини олиш...

Тадбирда фахрий ўқитувчилар, китобда номлари зикр этилган устозларнинг қариндошлари, жамоатчилик вакиллари ва устозларга «Сирдарёлик барҳаёт муаллимлар» китоби тарқатилди.

**Фарҳод ТАШТАНОВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Қашқадарё вилояти

Ўқув-семинар

# Муҳокама мавзуси – мажбурий меҳнат

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нишон тумани кенгаши ва Нишон тумани Мактабгача таълим бўлими ҳамкорлигида мактабгача таълим муассасалари мудиралари, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари иштирокида «Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бу борадаги халқаро қонун, ҳуқуқ нормалари» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.**

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳияти, Халқаро меҳнат ташкилоти, унинг мамлакатимизда ратификация қилинган 29-, 105-, 138- ва 182-сонли конвенциялари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Қайд этилганидек, «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-сонли Конвенцияда зўраки ёки мажбурий меҳнатдан сиёсий таъсир, тарбия воситаси сифатида, ишчи кучини иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари учун сафарбар этиш усули сифатида, меҳнат интизомини сақлаш чораси сифатида, ирқий, ижтимоий ва миллий мансублик ёки динга эътиқод белгиларига кўра камситиш чораси сифатида фойдаланмаслик белгиланган.

Семинарда иштирокчиларга Мактабгача таълими вазирлигининг «Мактабгача таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари» ҳамда ходимлар билан тузилган «Меҳнат шартномаси» ва «Лавозим йўриқномаси»да белгиланган вазифалардан ташқари ҳар қандай иш мажбурий меҳнат экани, ходимларни мажбурий меҳнатга жалб қилган раҳбарлар ва айбдор шахслар тегишли тартибда қатъий жавобгарликка тортилиши ҳақида ҳам тушунчалар берди.

**Баҳодир ЖОВЛИЕВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари Нишон тумани кенгаши раиси

Самарқанд вилояти

Таҳлил

**«Тойлоқ бетонкаси» номини олган катта йўл ёқасидаги бу гўша барча фаслларда одамлар билан гавжум. Ургут, Тойлоқ, Самарқанд, Нуробод туманлари, ҳатто қўшни Қашқадарё вилоятидан келган ёлланма ишчилар асосан ана шу ерда тўпланишади. 300-400 нафар киши орасида ҳунармандлар ҳам, тўғри келган юмушни бажаришга бел боғлаганлар ҳам кўп.**

# Меҳнат бозорида нима ўзгарди?

– Мардикор бозорини тартибга солиш мақсадида бандликка кўмаклашиш маркази ҳузурида «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси» ташкил этилган, – дейди Тойлоқ тумани Бандликка кўмаклашиш маркази директори Мансур Гадоев. – Муддао бир марталик иш талабгорларига шарт-шароит яратиш, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ишга ёлланишда имкон қадар кўмаклашишдан иборат.

Бюро фаолияти билан танишар эканмиз, ёлланма меҳнатга чиққанлар учун соябонли махсус ўриндиқлар, ювиниш хонаси ташкил этилганини кўрдик. Келгуси йилдан ошхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ҳам қуриб ишга тушириш режалаштирилаётганини айтишди. Ҳар куни эрталаб соат олтидан тўққизгача бир марталик ишга ёлланувчи фуқаролар рўйхати шакллантирилиб, фаолият йўналиши қайд этиб бориляпти.

– Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган бўш иш ўринлари ярмаркасига бир марталик иш илинжида юрган фуқароларни жалб этдик, – дейди Мансур Гадоев. – Тойлоқ ва унга ёндош туманлардаги 65 та корхона, ташкилот ва муассасаларда 400 дан ортиқ бўш (вакант) ҳамда квота иш ўринлари мавжуд экан. Бироқ, ишга талабгорлардан атиги 52 нафаригина тегишли йўлланма олишди. Уларнинг 37 нафари хотин-қизлар, 12 нафари ёшлардир.

Аммо... Таклиф этилган иш ўринлари мардикор бозоридагиларга унча манзур бўлмади. Нега? Ахир, рисоладагидек иш бўлса-ю ундан юз ўгириш тўғрими? Бу ерда ишга ёлланишни кутиб турганларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқдик.

– Иш берувчи билан мана шу ернинг ўзида меҳнат кўламига қараб тўланадиган ҳақ миқдорини ва соатини келишиб оламиз, – дейди ўзини ургутлик Гулҳаё Абилова дея таништирган жувон. – Бир кунда 80-100 минг сўмгача ҳақ оламиз. Бир ойда саккиз юз, бир миллион сўм ойлик маош менга тўғри келмайди.

– Ҳар куни ишда бўлишни оилавий шароитимиз кўтармайди, – дейди Тойлоқ тумани «Элипок» маҳалласида яшовчи Д.Султонова. – Бир-икки кун ишлаб, топилган пулни рўзғор ками-кўстига ятатяпмиз. Бизга шу усулда ишлаш маъқулроқ.

Тойлоқда ташкил этилган вақтинчалик, бир марталик иш билан таъминлаш бюроси нафақат тойлоқликлар, балки иш масаласида мурожаат қилган ҳар бир фуқарога хизмат кўрсатади. Мурожаатчининг масаласи онлайн тарзда ҳал этилади. Бу ерда ўзини-ўзи банд қилган фуқароларга бир марталик иш билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олишига кўмаклашади. Айни чоғда юз нафардан ортиқ фуқаролардан меҳнатнинг мазкур тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлиш тўғрисидаги аризалар қабул қилинган.

– Ўтган фурсат оралиғида 120 нафарга яқин ёлланма меҳнат қилувчиларга ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди, – дейди бюро мутасаддиси Элёр Рустамов. – Боғдорчилик юмушларида ишлаб, меҳнат ҳақини ололмаган тўрт нафар ёлланма ишчиларга ҳақини ундириб бердик. Аста-секинлик билан бўлса-да, бюро ва меҳнат бозори вакиллари ўртасидаги муносабат ижобий томонга ўзгариб бормоқда.

Ишонч ҳосил қилдикки, ёлланма меҳнат вакилларининг меҳнат ҳуқуқларини тартибга солиш борасида ижобий саъй-ҳаракатлар бошланган. Энг муҳими, эндиликда мардикор ва унинг меҳнат ҳуқуқи борасида қайғурувчи бор. Эзгу ниятлар билан бошланган ишнинг самараси ҳам шунга яраша бўлишига шубҳа йўқ.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

◂1

# Отабек шуурининг оний сурати

## ёхуд Қодириёна тимсол-рамзнинг беқиёс тантанаси

Отабекнинг хаёл одами экани ўқувчига асарнинг илк фаслидаёқ аён қилинади. У хаёл ичида ўтириши, хаёлланиши ва, умуман, табиатан хаёлчан ва гўшанишин одам экани романнинг кўп ўринларида таъкидланади. «Меҳробдан чаён» қаҳрамони Мирзо Анвар қайсидир жиҳатлари билан Отабекка ўхшаб кетади: ингичка табиатлик-нозиктаъб, вазмин, мулоҳазакор, кези келганда, жасорат кўрсатишга-да қодир. Феълатвори, сажиясига кўра, у ҳам ўй одами, лекин унинг бу хусусиятига асарда, Отабекдан фарқли ўлароқ, алоҳида урғу берилмаган, таъкидланмаган. Дастлабки икки йирик асарига мутлақо ўхшамаган ҳавас, тажриба ва мажбурият эҳтиёжидан келиб чиқиб яратилган «Обид кетмон» қиссасининг қаҳрамони бўлмиш Мулла Обид ҳам табиатан ёлғизликка мойил одам, шунга қарамай, у қарийб «ўйламайди», биринчи бор асар иккинчи бўлимининг дастлабки саҳифаларига борибгина дафъатан **ўйга толади** (колхоз тўғрисида), холос.

Бадиий асар бош қаҳрамонига доир кузатишларимизни айни шу нуқтаи назарда баён этишдан кўзда тутилган мақсадимизни асослашга ҳаракат қиламиз.

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар»ни ёзишда халқ ўртасида кенг оммалашган анъанавий эртакнавислик, ривоятнависликдан мерос шартлилик услубидан усталик билан фойдаланди, бу ҳол асарнинг оммабоплигини таъминлашда катта аҳамият касб этди, бироқ адибнинг бошқа бир катта мақсади, «ёзмоққа ниятлангани» «янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба»га қўл уриш эди. Муаллифнинг ушбу нияти қаҳрамонларнинг фавқулодда ҳолатларда чуқур руҳий изтиробларга тушиш манзаралари тасвирида буткул ўзгача бир кўринишда намоён бўлган. Лўнда айтадиган бўлсак, нисбатан олганда, у ушбу мақсадига Отабек образини яратишда кўпроқ эришган.

**ОТАБЕК ПСИХОЛОГИЯСИНИНГ, ҚОЛАВЕРСА, РОМАННИНГ КУЛЬМИНАЦИЯСИ – «ХЎЖА МАЪОЗ» МОЗОРИ ТАСВИРИ! РОМАН ВОҚЕАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС АЖИБ ТУГУНИ ВУЖУДГА КЕЛДИ УШБУ ТАСВИРДА, ШУНДАН КЕЙИНГИ ВОҚЕАЛАР ЖАРАЁНИДА МАЗКУР ТУГУН АСТА-СЕКИН ЕЧИЛА БОРАДИ.**

«Ўткан кунлар»даги рамз-тимсоллар поэтикаси алоҳида бир олам, бу олам шу қадар ранг-баранг, шу қадар серқатлам, шу қадар сержилваки, уларни ўрганиш, таҳлилга тортиш адиб маҳоратининг илдизларини роман ўзида мужассам қилган ижтимоий-сиёсий мақсад-муддаолардан кўра, кўпроқ, ортиқроқ, теранроқ кашф этиш имконини беради.

Абдулла Қодирий романчилик мактабини яратгани аллақачон халқаро миқёсларда эътироф этилган, бироқ ушбу «мактаб»да қаҳрамон руҳий ҳолатининг энг оғир, қалтис ва таҳликали лаҳзаларини тасвирлаш маҳорати алоҳида мавқега эгалиги, алоҳида мактаб ичидаги мактаб экани етарлича умумлашма баҳосини олмаган, назаримизда.

Роман воқеалари динамикаси оҳиста, сокин ривожлана боради. Муҳими, бош қаҳрамон ўйлари, кечинмалари умумий оқимдан узилиб қолмайди, балки сюжет йўналишидаги ҳар бир тўлқин эпкини, шабадаси унинг қалби-шуурига тегиб ўтади. Мисол учун, «Анови ярасининг устига (ишқ яраси – **Х.Д.**) Тошкент фожиаси келиб қўшилгач, Отабек тағин ҳам хаёлчанланган, тағин ҳам хомушлиги ортган эди».

Бу – бошланиши.

Алҳол, Отабек ота-она орзусидаги тўйга ризолик беради, энди шу орзу ҳақидаги хабарни Марғилонга етказиш мажбурияти уни йўлга тушмакликка қистайди. У ортиқча бир оғирлик билан, иккиланишлар билан йўлга қўзғалар экан, отнинг бошини ўз ихтиёрига қўяди. Эътибор берайлик, руҳий изтироб кучайган дамларда Отабек от тизгинини ўз ихтиёрига қўйгани каби, адиб айни шундай дамларда тасвирга мутлақ «эга»лик ҳуқуқидан воз кечади, яъни у ҳам тасвир тизгинини ўз ҳолига қўяди. Чунки қаҳрамон «юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушунмай» қолган бир пайтда муаллифнинг ҳам руҳий аҳволи уникидан кам эмасди.

Тошкентдан Марғилонга келган тўй хабарини қайин ота, қайин она ва куёв биргаликда ўлтириб муҳокама қилишмоқда. Бу пайтдаги Отабекнинг аҳволини тасаввур қилиш маҳол. Руҳий азоб-изтироб исканжасида қоврилаётган Отабек кўзда ёш билан минг бир хижолатда ташқарига чиқиб кетади. Ўзини чалғитиш мақсадида беихтиёр Фузулий девонини варақлашга тутинади. Бироқ кўнгил ғашлиги ёзилмайди. «Нима учундир ҳозир унда бирор фожиага тушкувчининг ҳолати бор эди». Навбатдаги тасвир янада чуқурлашганига эътибор қаратайлик: «Киши изтиробга тушган кезларда тилаб эмас, ихтиёрсиз баъзи бир йўсинсиз ишларга уринадилар».

Мазкур жумла ўрни келганда шунчаки ёзилган тасвиргина эмас, назаримизда у – романнавис-адибимиз бадиий маҳорати сирларини англаш сари йўл очувчи фавқулодда жиддий концептуал қараш, нуқтаи назар, ўзига хос бадиий тафаккур тарзини ўрганишда, хусусан, Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати сирларини кашф этишда жуда-жуда қўл келадиган КАЛИТдир. Ихтиёрсиз, йўсинсиз ҳолатга тушган қаҳрамон руҳий оламини, хатти-ҳаракатларини маромига етказиб тасвирлашда Қодирий томонидан топилган бадиий кашфиётдир.

Демак, Абдулла Қодирий бир оғиз жумлада китобхонларни (уларга қўшиб ижодкор аҳлини) огоҳлантирмоқда. Фикримизни янада лўндалаштирсак, ўқувчини романда учрайдиган мураккаб ҳолатлар тасвирини идрок этишда уқувлироқ, зийракроқ бўлишга ундамоқда. Энди буёғига китобхон ҳушёр бўлмоғи, қаҳрамон бошидан ўтказаётган изтиробли кечинмаларни бор мураккаблиги билан илғай билмоғи зарур. Зеро, воқеалар давоми шуни тақозо этади.

«Қувланиш» фаслига келамиз. Шом намозига отланган қутидор эшикда Отабекка рўпара келади ва уни уятсиз дея қувиб солади. «Бундай муомала олдида Отабекнинг қандай ҳолда қолиши изоҳга унча муҳтож бўлмаса керак» дея тасвирлайди адиб. Лекин изоҳ-тасвирга нуқта қўймайди, балки уни тубандагича давом эттиради: Отабек қозиқдек қоқилиб қолади, на юра олади, на сўзлашга тили келади. У «эсини бошига йиғиб михланган еридан қўзғалганда, шом намози ўқилиб битган» (у шу аҳволда қанча фурсат туриб қолганини чамалаб кўрайлик!), шундан кейинги унинг ҳаракатлари мошинавори, яъни ҳуши ўзида эмаслик ҳолатида кечади.



Вазият, унга қўшилиб асаблар ипи янада таранглашади, чигаллашади. «Жонсиз бир хабар ва қўрқинч бир кеч» фаслида кульминация авж пардасига кўтарилади.

Отабек бирор бир янгилик эшитиш мақсадида қутидорнинг уйидан чиққан икки бегона кишининг изидан тушади ва иттифоқо Кумушбибининг эрга берилаётганидан, ҳатто тўй кунлари белгиланганидан хабар топади. Бу совуқ хабар Отабекнинг баданидан жонини суғуриб олади гўё, унинг ҳуши бошидан учади, эсанкирайди, мошинавори қадам ташлайди, ўзини қаёққа уришни билмай Марғилон кўчаларида тентакларча югура бошлайди. Унинг бу ҳолига қараш юракларни ёради ва ҳақиқатда ҳам тасвирга қалам кучи ожиз қолади. Қалам кучи ожиз қолган дақиқаларда адибимиз... қаламни ўз ҳолига қўяди – қоронғу кузнинг қоронғу бир тунида Отабек «Хўжа Маъоз» қабристонига киради. Тасвир тўласича қодириёна тимсол-рамз измига ўтади.

**РОМАН ВОҚЕАЛАРИ ДИНАМИКАСИ ОҲИСТА, СОКИН РИВОЖЛАНА БОРАДИ. МУҲИМИ, БОШ ҚАҲРАМОН ЎЙЛАРИ, КЕЧИНМАЛАРИ УМУМИЙ ОҚИМДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАЙДИ, БАЛКИ СЮЖЕТ ЙЎНАЛИШИДАГИ ҲАР БИР ТЎЛҚИН ЭПКИНИ, ШАБАДАСИ УНИНГ ҚАЛБИ-ШУУРИГА ТЕГИБ ЎТАДИ. МИСОЛ УЧУН, «АНОВИ ЯРАСИНИНГ УСТИГА (ИШҚ ЯРАСИ – Х.Д.) ТОШКЕНТ ФОЖИАСИ КЕЛИБ ҚЎШИЛГАЧ, ОТАБЕК ТАҒИН ҲАМ ХАЁЛЧАНЛАНГАН, ТАҒИН ҲАМ ХОМУШЛИГИ ОРТГАН ЭДИ».**

Қоронғуликка манба бўлган мозористон чангалзорини Марғилон кўчаларида телбаларча югураётган Отабекнинг дарди дунёси деб тасаввур қилайлик. Шу дамда Отабекнинг шуурида кучли бир ел турди, «сочлари ўсиб соқолига қўшилиб кетган бир девона» тимсолидаги ёвуз кучлар Отабек шуурини худди гулхан янглиғ кавлаб тўзитиб юборди; «битта-яримта тўкилмай қолган япроқлар» – Отабекнинг сўнгги умидлари узила бошлади; «ел кучайгандан кучайиб борар» – ғаразгўйлар тақдиди авжига минди; Отабекнинг метин бардоши устма-уст босиб келган ел бўкиригига дош беролмаслик хавфи туғилди – «шох-шаббалар қарс-қурс синар»ди; наҳотки, Отабекнинг мустаҳкам иродаси ҳам – «кекса ёғочлар ғийқ-ғийқ этиб ёлбориш товуши чиқаргандек» заифлашаёзди; йўқ, Отабекнинг иродаси унча-мунчага эгилмайди, букилмайди, башарти, манфур кучлар «чинор» – Отабекни йиқитгудек бўлса-да, у «девонанинг гулханини тўнка-пўнкаси билан кўтариб чакалакнинг ичига отган»дек, ёвуз кучларни парчалаб ташлайди!

Замон қарға-зоғлари тинчланса – «кўкни ўраб олган» қора булутлар ҳам тўс-тўсга бўлинади», ана шунда «Ой (яъни Кумуш) ҳам қора парда ичидан ярим юзини очади», ҳозирча «ой парчаланган қора булутлар билан бекинмачоқ ўйнаган каби» – Кумушнинг тақдири чиркин ниятли кишилар қўлида ўйинчоқ қилиняпти; ҳали Ҳомид, Содиқ тоифасидаги манфурлар «чинор шохларига тасбеҳ каби тизилган» бойқушлардек кўп (йиртқич бойқушларнинг эзгу мақсадларда фойдаланиладиган тасбеҳга қиёсланиши қанчалик жоиз, буни алоҳида ўйлаб кўришга тўғри келади. – **Х.Д.**). Улар «ой булутлар остига кирса» роҳатдан чиғ-чиғлаб сайрайдилар; Кумушнинг бу ҳолга тушиши Отабекни тасвирга тил ожиз бир кўйга солади – «бойқушлар сайроғи ичидан инграниш каби бир товуш ҳам эшитилгандек бўладир»...

Отабек психологиясининг, қолаверса, романнинг кульминацияси – «Хўжа Маъоз» мозори тасвири! Роман воқеаларининг ўзига хос ажиб тугуни вужудга келди ушбу тасвирда, шундан кейинги воқеалар жараёнида мазкур тугун аста-секин ечила боради.

Қодирий мазкур усулни «Меҳробдан чаён»да қарийб айнан такрор қўллаган. Абдурауф тунқатор Мирзо Анварга Солиҳ махдумнинг қизини сўраб боришганини айтади, айтиб қўя қолмай, «Биз, қиблагоҳ учун кечарсиз, деб ўйладик» дея чаёндек ниш санчади ҳам. Анвар «бу заҳарли сўз билан илон каби тўлғаниб олса ҳам, бутун кучини сарф қилиб, сир бермасликка тиришади». Бироқ бу билан тасвир тугамайди, балки у қуйидагича давом этади: «Ҳаво текис қорамтил булут билан ўралган. Қўқоннинг машҳур шамоли қанот ёйган эди. Қорамтил булутлардан қуйироқда олақарғалар қанот қимирлатмай саёҳат қилар ва онда-сонда ёмғир қатралари томчилар эди.»

Кўринадики, Мирзо Анвар ҳам Отабекда бўлгани каби ихтиёрсиз, йўсинсиз ишга уринади – у оғир мушкулот остида қолган, унинг ҳам дард-у дунёси зимистон, зимистон руҳият манзарасини ўқувчи кўз ўнгига келтиришда адиб «Ўткан кунлар»да тунги мозористон, «Меҳробдан чаён»да эса қорамтил булутли тун тасвиридан фойдаланган.

Мантиқан ҳақли савол туғилади: XX асрнинг иккинчи ярмига келибгина жаҳон адабиётида кенг оммалашган «янги роман»чиликка хос бадиий тасвир унсурларидан Абдулла Қодирий хабардор бўлиши мумкин эдими? Афсуски, бу саволга асосли жавобимиз йўқ, аммо-лекин бадиий ижод, бадиий тафаккур қонуниятларидан келиб чиқилса, саволни жавобсиз қолдирмаслик эпини топиш мумкин. Авваламбор, Қодирий ёшлигидан фавқулодда донишманд инсон бўлиб вояга етган, инсон ва дунё мазмун-моҳиятини ғоятда чуқур ва теран идрок этган, энг муҳими, ана шундай ёндашувлари табиий равишда узукка кўз қўйгандек муносиб – новаторона бадиий услуб унсурларининг яратилишига олиб келган. Таассуфлар бўлсинким, муҳтарам адибимизга булар сингари адабий-бадиий кашфиётларни янаям баланд пардаларда давом эттириш насиб қилмади, баттол замон касофати ўлароқ, улар кейинги авлод адиблари томонидан давомли анъанага айлантирилмади ҳам.

**Армонли фараздан тасалли истайди кўнгил: аёвсиз тақдир ва аянчли қисмат шафқат қилганида эди, миллий романчилигимиз отабеги бўлмиш Абдулла Қодирий ўзи тамал тошини қўйган айни шу йўсиндаги ижодий услуб анъаналарини янада ривожлантирган, яна кўплаб ноёб ва нодир асарлар яратиши муқаррар эди...**

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

---

«Ishonch»га жавоб берадилар

# Ишчи гуруҳ иш бошлади



**«ЛИРИКА» куйига «ЎЙНАЁТГАН»лар...**

*Ёхуд психотроп моддалар «савдоси»дан ким жабр топмоқда, ким эса манфаат...*

**Сўнгги пайтларда таркибида руҳий қарамликни келтириб чиқарувчи моддалари мавжуд дори воситалари савдоси ҳақида кўп гапирилмоқда. Сабаби психотроп моддалар ёки оғриқ қолдирувчи препаратларнинг нотўғри истеъмол қилиниши билан боғлиқ ҳолатлар анчайин жиддий тус олган бўлиб, айнан шунга кўра вазиятга масъул вазирлик ва ташкилотлар катта эътибор қаратишмоқда. Аммо ҳали бу масаланинг ечими билан боғлиқ амалий чора-тадбирлар охирига етганича йўқ.**

**«Ishonch» газетасининг шу йил 1 август кунидаги сонида чоп этилган «Лирика» куйига ўйнаётганлар» сарлавҳали мақолага Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бош бошқармаси қуйидагича муносабат билдирди:**

Мақолада баён этилган ҳолатларга қарши курашиш ва олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Соғлиқни сақлаш, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Бош прокуратура ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, кучли таъсир этувчи дори-дармонлар назоратини кучайтириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бирга республикада нарковазиятга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва чора-тадбирларни амалга оширишнинг тезкорлигини таъминлаш мақсадида, келгусида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш йўналишида чоп этилиши режалаштирилаётган ёки чоп этилган мақолаларни Ички ишлар вазирлигининг ubnon@mvd.uz электрон манзилига юборишингизни сўраймиз.

**Бош бошқарма бошлиғи**
**Т. ИСМОИЛОВ**

***ТАҲРИРИЯТДАН:***
*Ушбу хат таҳририятга келган кунларда яна бир хушхабар эшитдик. Яъни Президентимизнинг* ***«Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида»*** *қарори қабул қилинди. Қарорда мақолада баён этилган, жамиятни хавотирга солаётган муаммоларнинг ечими кўрсатилиб, тегишли мутасаддиларга аниқ вазифалар белгилаб берилган.*
*Шу маънода, журналист муаммога уйғоқ нигоҳ билан қарагани, унинг ечимида ижтимоий фикрни шакллантиришга ҳисса қўшгани бизни ҳам мамнун этади.*

---

Оғриқ тишлар...

# «МЕНГА НОН ЭМАС, ПУЛ КЕРАК»

## ёхуд бугунги «тиланчи» аслида ким?

**Халқимизда, айниқса, бечораҳол инсонга нисбатан раҳм-шафқат туйғуси кучли. Қийналганни суяшга, имкон қадар ёрдам бериб, ҳиммат кўрсатиб, олқиш ва дуолар олишга шошиламиз. Йўл-йўлакай қаршимизда мунғайиб ўтирган тиланчига ҳам ҳамёнимизда «атаб қўйганимиз» топилади. Зеро, садақа берилгандан кейин кўнгил ҳам таскин топади. Бироқ ҳар қадамда учрайдиган тиланчилар раҳмингизни эмас, қаҳрингизни келтириб турса-чи?!**

Англагандирсиз, гап бутун дунёда «қора бизнес» деб аталувчи тобора қулоч ёзиб бораётган тиланчилик ҳақида кетяпти. Бугунги кунда одамлар гавжум бўлган жамоат жойларида, бозорлар, дўконлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, тўйхоналарлар, ошхона, шифохона, қўйингки, энг сокин жой саналган қабристонларда ҳам турли ёшдаги тиланчиларни учратиш мумкин. Баъзилари рисоладагидек кийинган, гап-сўзлари билан йўловчини ўйлантириб қўяди. Лекин ўлгудек сурбет, дуч келган одамнинг олдига бориб, пул сўрайди. Уни қорни оч тиланчи деб ўйласангиз, адашасиз. У фирибгар ёки товламачининг ўзгинасидир.

Маҳалламизда яшайдиган боланинг бозорда тиланчилик қилаётганини кўриб қолдим. Оқшом маҳали унинг уйига бориб, онасини чақиртирдим. Кўрганимни айтдим-у, балога қолдим. Аёл мени туҳматчиликда айблади. «Болам нон сотувчига ёрдамлашиш учун бозорга чиққан. Рўзғорнинг кам-кўстига ёрдами тегади деб рухсат берганман. Отаси бўлганда шу ишларни қилмасди», – дея йиғлаб-сиқтаб қолди. Минг хижолатда уйидан чиқдим.

Фарғона шаҳридаги автошоҳбекат ҳудудида ногиронлик аравачасида ёши етмишлардан ошган кампирнинг қўлига «Хайр-садақа қилинглар» деб ёзилган лавҳани тутқазиб қўйишибди. Ўзбек аёлига ярашмаган бу «бизнес»ни уюштираётган қайси нобакор бўлди?» деб ўйланиб қоласиз... Балки аёлнинг фарзанди йўқдир, дейсиз? Ҳеч бўлмаса, укалари, яқин қариндош-уруғлари бордир? У яшаб турган маҳалланинг «кўзи» қаерда? Уят, ор-номусни йиғиштириб қўйиб, аёлни шаҳарнинг энг гавжум ҳудудига келтириб қўйган кимса ҳам тиланчилик билан топилган пулга кўз тикиб турмаганмикин?

«Менга нон эмас, пул керак» дея оқ қоғозга ёзиб олиб, уни қўлида тутиб турибди бир аёл. Секин ёнига бориб сўрадим:

– Иккита иссиқ ноним бор, оласизми?

У қовоғини уйиб, менга беписанд қараб қўйди-да, кўрмаяпсанми дегандай, ёзувга ишора қилди.



Унинг ёнида улгуржи савдо билан шуғулланаётган сотувчидан сўрадим:

– Кар-соқовми, дейман, гапирмаяпти?

– Қаёқда? Панароқ жой топиб, кимлар биландир телефонда гаплашади. Иш пайтида ўзини шунақа тутади, – деди истеҳзо билан.

– Ҳей бола сен-чи, сенга нон керакми? – дедим вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ёнида тўхтаётган автоуловлар томон чопиб бориб, пул талаб қилаётган тиланчи боланинг қўлидан тутиб.

– Қўйворинг қўлимни, менга нон керак эмас, пул керак, – деди у муттаҳамлик йўлига ўтиб.

Демак, боланинг қорни тўқ, усти бут, пулни эса бошқа эҳтиёжлар учун сарфлайди. Бу эса сўзсиз болани маънавий жиноятларга етаклайди. Бола энди бу ҳаётда бировларнинг ҳақига хиёнат қилиш эвазига кун кечиришга одатланади.

...Фарғона шаҳар буюм бозорининг дарвозаси ёнида кўзи ожиз аёл ашула айтяпти. Ёнида олти ёшлар чамасидаги бола аёлга садақа қилинаётган пулларни тартибга келтириб, чакмонга жойлаяпти...

Шу сонияларда боланинг эртанги куни ҳақида ўйланиб қоласиз. Бола шу туришида садақа учун қўшиқ куйлашни, яъни тиланчиликни орзу қилаётган бўлса-чи? Қани эди, аёл қўшиғидаги сўзлар бола қалбини эзгулик сувига қондираётган бўлса... Ўшанда «менга нон эмас, пул керак», дейдиганлар сафи биттага камаярди...

Шу ўринда яна бир савол туғилади: Хўш, мамлакатимизда тиланчилар «фаолияти» қонуний жиҳатдан тартибга солинганми?

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 9 январь куни имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тиланчилик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик жорий этилди.

Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда тиланчилик қилишга жалб этишга жазо чоралари белгиланди. Бу эса, фуқаролар шаъни, ғурурини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, тиланчига пул бериш ўрнига мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш маъқул эмасми? Бу ҳақда бошқаларнинг фикри қандай?

**Маъмура АБДУРАҲИМОВА,**
журналист



# Ўзгаришлар оғушидаги Оролбўйи

◄1

### МЎЙНОҚДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

Бу ҳақда сўз борар экан, биргина Мўйноқ туманида янгиликларнинг саноғи йўқлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами арафасида бу ерда катта корхона иш бошлади. Унда 350 нафар мўйноқлик хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Салкам 10 миллиард сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган «Мўйноқ текстиль» корхонасига Туркиядан замонавий дастгоҳлар олиб келинди. Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Келгусида корхона маҳсулотлари хорижга экспорт қилинади.



– Бундан уч йил аввал қай тарафга бош уришини билмай қолган мўйноқлик ёшларнинг шодлигини сўз билан ифодалаб бера олмайман, – дейди корхона ишчиси Динара Ерғалиева. – Мўйноқликларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Замонавий тикув дасгоҳларида кийим тикиш сирларини ўрганиб, кегусида кичик тикув цехини ташкил этиш ниятим бор.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Мўйноқ туманини 2019-2021 йилларда комплекс ривожлантириш дастурига 1 триллион 485 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Ҳозир тумандаги 41 та объектда 156 миллиард 991 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Мисол учун айтсак, «Мўйноқ аква саноат» давлат унитар корхонасида балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлашга мўлжалланган дастгоҳлар ўрнатилмоқда. Жорий йил якунида ишга тушиши режалаштирилаётган ушбу корхонада ҳар йили 3650 тонна маҳсулот қайта ишланиб, 9 миллионта балиқ консерваси, 780 тонна балиқ фарши, 400 тонна балиқ филеси ва 200 тонна дудланган балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

– Корхонамизга 60 минг 270 гектарлик тўққизта кўл бириктириб берилган, – дейди корхона директори Руслан Мамбетқадиров. – Завод қошида йилига 30-40 миллион дона чавақ етказиб бериш имкониятига эга инкубация цехи мавжуд. Бундан ташқари, минг тонна маҳсулотни сақлаш учун музлатгичли омборхона бунёд этилган. Умумий қиймати 20 миллиард 200 миллион сўмлик завод ишга тушгач, 58 нафар мўйноқлик иш билан таъминланади.

Ҳар ойда бир корхонани ишга тушириш нияти билан меҳнат қилаётган туман аҳолисининг шашти баланд.

– Бир замонлар, ҳаттоки, Нукус шаҳрида бўлмаган болалар сузиш ҳавзаси энг чека туманимизда барпо этилди, – дейди мўйноқлик Қуанишбой Абдимуратов. – Маданият уйи, музей, ёшлар маркази, очиқ осмон остидаги театр, стадион, мактабгача таълим муассасалари ва кўп қаватли турар жойлар, маъмурий биноларнинг қисқа муддатда қад ростлаётгани чинакам мўъжизадир.

### ҚОНЛИКЎЛНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида Қонликўл туманида 2019-2020 йилларга мўлжалланган қиймати 354 миллиард 388 миллион сўмлик 20 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда 552 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган эди. Ўтган давр мобайнида туманда саноат, хизмат кўрсатиш, сервис ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг кўламли ишлар бажарилиб, кўплаб инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди.

Қисқа муддат ичида йирик ип-калава ишлаб чиқариш корхонасининг ишга туширилиши нафақат Қонликўл, балки воҳа ҳаётида ҳам қувончли воқеалардан бири бўлди. Ўн гектарлик майдонда бунёд этилган корхонанинг умумий қиймати 312 миллиард 20 миллион сўмга тенг. Бугун корхонада 350 нафар ёшлар меҳнат қилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилган ип-калава маҳсулотлари чет давлатларга экспорт қилинаётир.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида тумандаги «Берекетли нурлы жер» фермер хўжалигида ҳам бўлган эди.

– Президентимиз иш фаолиятимиз билан танишиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берган эди, – дейди Муратбой Жамғирбаев. – Хўжалигимиз ўтган йили ташкил этилган бўлса ҳам меҳнатимизга яраша ютуқларимиз бор. Ерга эътиборли бўлиб, агротехник қоидаларга қатъий амал қилинса, кўзланган натижага эришиш мумкин. Йил якунида олинажак даромаддан умидимиз катта. Лизингга трактор олмоқчимиз. Давлатимиз раҳбари берган маслаҳатлардан куч олиб, фаолиятимизни кўп тармоқли хўжалик асосида юритиш ниятимиз бор.

### ЙИРИК ВА МАНФААТЛИ ЛОЙИҲА

Ўтган асрнинг 60 йилларида ишга туширилган «Тахиатош» иссиқлик электр станциясида турли муаммолар юзага келган эди. Айни чоғда бу ерда кореялик ҳамкорлар билан йирик иншоот барпо этилмоқда. Қуввати 230-280 мегаватт бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш ишлари авжида.

– Жорий йил охирида буғ-газ қурилмасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилиши режалаштирилган, – дейди корхонанинг лойиҳаларни амалга ошириш бўлими бошлиғи Баҳром Иброҳимов. – Келгуси йил бошида қурилманинг иккинчи навбати ишга туширилгач, станция қуввати 273 мегаваттга ошади. Шунда бу ерда катта миқдордаги газ ва сув тежаш баробарида юзлаб янги иш ўрни яратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини узлуксиз сифатли электр қуввати билан таъминлаб туриш мақсадида барпо этилаётган йирик иншоотнинг умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, келгусида у мамлакатимиздаги энг муҳим объектлардан бирига айланади.

### ВАЗИФАЛАР АНИҚ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда Қорақалпоғистонни ривожлантиришнинг истиқболлари муҳокама этилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Оролбўйида ҳам ижобий ва самарали ўзгаришларга эришилгани таъкидлаб ўтилди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Қорақалпоғистонда ялпи ҳудудий маҳсулот 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4 фоиз, хизматлар кўрсатиш кўлами 18 фоиз қурилиш ишлари ҳажми эса 45 фоизга ўсган.

Шу билан бирга, ҳудудда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Саноатни ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этишга берилаётган эътибор етарли эмас.

Йиғилишда ҳудудни янада тараққий эттириш юзасидан бешта устувор йўналиш белгилаб берилди. Хусусан, ҳар бир шаҳар ва туманларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни турли соҳаларга ихтисослаштириш бўйича тавсиялар берилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2020 йил якунига қадар Мўйноқ туманида 100 ўринга мўлжалланган замонавий даволаниш-реабилитация марказини қуриб, фойдаланишга топшириш тўғрисидаги таклифи ҳам маъқулланди. Бу эса касаба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётганидан далолатдир.



**Ортиқбой МАМУТОВ,**
**«Ishonch»**




Қулайлик



Адлиядан янги ташаббус:

# «МАДАД» ҲУҚУҚИЙ МАДАД БЕРАДИ

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги «Мадад» муассасаси иш бошлади.**
**Ушбу муассаса Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Аҳолига ҳуқуқий ахборотни етказиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилди.**

### ҚАНДАЙ ЗАРУРАТ БОР ЭДИ?

Таъкидлаш жоиз, аҳолига бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш амалиёти шу кунгача ҳам қўлланиб келинаётган эди. Лекин бу ишлар доимий равишда ва тизимли равишда амалга оширилмаган. Шу боис, фуқаролар бундай маслаҳатларни қаерда ва қачон олиш ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмаган. Эндиликда мазкур фаолият алоҳида муассаса томонидан мунтазам ва тизимли тарзда амалга оширилади.

### ҲУДУДЛАРДА ҲАМ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИМИ?

Албатта. Муассаса нафақат марказда, балки республикамизнинг 14 та ҳududидаги бўлинмалари, шу билан бирга, туман (шаҳар)ларда фаолияти йўлга қўйиладиган ҳуқуқий маслаҳат бюролари орқали ҳам хизмат кўрсатади.

### АСОСИЙ ВАЗИФАСИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

*Биринчидан*, муассаса фуқароларга ҳуқуқий масалалар бўйича онлайн маслаҳат ва тушунтиришлар бериш йўли билан бирламчи бепул юридик ёрдам кўрсатади;

*иккинчидан*, кўнгиллиларни, яъни волонтёрларни жалб этган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий соҳадаги ўзгаришлар билан уйғун равишда кенгайтиради;

*учинчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқий маслаҳат беришга оид сўровларини таҳлил қилади. Таҳлил натижаси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

*тўртинчидан*, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда инновацион усуллар, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларини амалиётга татбиқ этади

*бешинчидан*, «Advice.uz» (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталини мунтазам равишда юритади ва янгилаб боради.

***Маълумот учун:** жорий йилнинг 25 апрель куни Адлия вазирлигининг Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликдаги лойиҳаси – «Advice.uz» (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот портали ишга тушган эди. Мазкур портал Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларга ҳам онлайн режимда бепул ҳуқуқий маслаҳат олиш имкониятини яратди.*

*Бугунги кунда «Advice.uz» (e-maslahat.uz) ҳуқуқий ахборот порталидан 40 минг нафардан ошиқ фуқаро фойдаланган. Уларнинг 1400 нафардан ошиғи чет эл фуқаролари.*

*Сирасини айтганда, «Мадад» муассасаси фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда уларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш, асосийси, аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатишда ўз номига мос равишда кўмакчи, таянч манба бўлиб хизмат қилади.*

**Адлия вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими**

Ислоҳот



# Жаҳон стандартлари асосида

## *ёхуд миллий маҳсулот ишлаб чиқариш инфратузилмаси бизга нима беради?*

**Дунё бозорида муносиб ўрин эгаллашнинг ягона йўли – бу сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Шу сабабли мамлакатимизда миллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жадал жорий этиш орқали, уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлашдек муҳим ва долзарб масаланинг ечимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимизнинг 2018 йил 12 декабрдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишлардаги кўпгина муаммоларнинг барҳам топишига туртки бўлди.

Ушбу қарор асосида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқаришга халқаро стандартларни татбиқ этиш ва меъёрлар билан уйғунлаштириш мақсадида жорий йилнинг ўтган олти ойида 1214 та янги стандарт қабул қилинди. 247 та янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга оид стандартлар билан таъминланди, маҳсулот сифатини баҳолаш учун замонавий синов усуллар (экспресс методлар)нинг хорижий мамлакатларнинг бозорларида қабул қилинган 967 та стандарти жорий қилинди.

Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида бозор иқтисодиёти талабларига салбий таъсир кўрсатадиган ва маънан эскирган 30 та стандарт амалиётдан чиқариб ташланди ҳамда 132 таси қайта кўриб чиқилди.

Бундай ишларнинг кўламини янада ошириш мақсадида ривожланган давлатларнинг ташкилотлари билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Масалан, Франциянинг стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида фаолият юритувчи AFNOR ташкилоти билан Франция стандартларидан фойдаланиш юзасидан келишувга эришилди.

АҚШнинг Америка материалларнинг синовлари стандартлари ташкилоти (ASTM)нинг 12 мингдан зиёд стандартдан фойдаланиш имконияти яратилди.

Германия, Туркия ва Қозоғистон мамлакатлари хорижий экспертларнинг хулосалари асосида метрология соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича «Йўл харита»си ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотларга берилган миллий сертификатларни ва синов натижаларини чет эл бозорларида тан олишни таъминлаш мақсадида Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Индонезия, Покистон, Ҳиндистон давлатлари билан музокаралар ўтказилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хориж компанияларга сотиш тизимини яратиш мақсадида 60 та фермер хўжалигида Global G.A.P. сифатни бошқариш тизими стандартларини жорий қилиш ишлари бажарилмоқда. Айни вақтгача 4 та Global G.A.P. ҳамда 1 та Organic стандарти амалиётга жорий этилди.

Халқаро стандарт ҳамда синов услубларини жорий этиш натижасида истеъмол бозорига сифатсиз бўлган 52 турдаги 1 миллиард 905 миллион сўмлик маҳсулот кириб келинишининг олди олинди.

Миллий эталон базасини ривожлантириш мақсадида мутлақ босим, ортиқча босим, намунавий куч бирлиги эталонлари харид қилиниб, ишга туширилди. Йил якунига қадар ҳарорат ва узунлик эталонлари харид қилиш режалаштирилган. Тасдиқланган дастурга мувофиқ, 2023 йилгача эталонлар умумий сони 33 тага етказилади.

Агентлик тизимидаги ўлчаш лабораторияларини модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш мақсадида 51 дона янги ускуна харид қилиниб, 53 та метрологик текширув услублари жорий қилинди.

Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, ҳамда энергия ресурсларидан унумли фойдаланишни таъминлаш мақсадида Жанубий Кореянинг 751,8 минг доллар миқдоридаги грант маблағлари доирасида Ўзбекистон миллий метрология институтига маиший газ ва электр ҳисоблагичларни қиёслаш ускуналари ҳамда ҳарорат эталони ўрнатилди.

Бундан ташқари, 12 та лаборатория халқаро даражада аккредитациядан ўтказилди. Аккредитланган 77 та синов лабораториясида инспекция назорати ўтказилиб, 13 ҳолатда белгиланган талабларга мослиги тасдиқланди, 12 тасида тугатилди ва 52 тасида фаолият вақтинча тўхтатилди.

Аккредитация марказини халқаро ILAC/IAF ташкилотларига аъзо қилиш доирасида Германия ва Туркия давлатларининг халқаро экспертлари жалб қилинди. Маҳаллий экспертлар малакасини ошириш мақсадида Туркия аккредитация идораси ва Словакия аккредитация идораси билан 3 тадан (SNAS) қўшма баҳолаш аудитлар ташкил этилди. Бу каби ўзгаришлар маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилади

**Абдурауф РАСУЛОВ,**
«Ўзстандарт» агентлиги
Матбуот хизмати раҳбари

Эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:**

# «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

## 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2019-13

**Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 9 сентябрь**
**Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат:**
**Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг**

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

**1-тип:** Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

**2-тип:** 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

| Қорақалпоғистон Республикаси | Тошкент вилояти |
|---|---|
| **Манзил:** Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 50-уй | **Манзил:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй. |
| **Телефон:** (0 361) 222-74-12 | **Телефон:** (0 371) 241-15-37 |
| **Факс:** (0 361) 222-74-12 | **Факс:** (0 371) 241-15-26 |

**5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:**

«_______вилояти, ________тумани, __________массивидаги, ________ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

**Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:**

| Қорақалпоғистон Республикаси | Тошкент вилояти |
|---|---|
| **Банк:** АТБ «Капиталбанк» | **Банк:** «Азия Алянс Банк» |
| Нукус филиали | Олмазор филиали |
| **ИНН:** 202 610040 | **ИНН:** 300 017 720 |
| **Ҳ/р:** 20210000903952518001 | **Ҳ/р:** 2021 0000 5045 4602 7001 |

**Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:**

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

**Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:**

| Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши | Тошкент вилояти ҳокимияти |
|---|---|
| **Манзил:** Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 50-уй | **Манзил:** Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй |
| **Телефон:** +0 (361) 222-74-12 | **Телефон:** +0 (371) 232-80-47 |
| **Факс:** +0 (361) 222-74-12 | **Факс:** +0 (371) 232-80-42 |

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим.

| Уй типлари | Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади: | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм) | Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм) | Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³ | Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³ | Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м² |
| 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар | 150 000 000 | 120 000 000 | 30 | 50 | 120 |
| Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар | 2 400 000 000 | 1 920 000 000 | 360 | 600 | 1440 |

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

| Лот № | Ҳудуд | Қишлоқ аҳоли пункти номи | Хонадон сони | Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар | | | Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.) | | Таклифларни топширишнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | сони | хонадон | Уй-рақами | сони | Уй рақами | |
| Қорақалпоғистон Республикаси | | | 144 | 5 | 120 | | 24 | | |
| 565 | Амударё | Гулзар | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |
| 566 | Беруний | Шимом | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |
| 567 | Қонликўл | Дўстлик | 8 | | | | 8 | 1-8 | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |
| 568 | Қораўзак | Қутли макон | 24 | 1 | 24 | 1 | | | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |
| 569 | Мўйноқ | Мўйноқ | 10 | | | | 10 | 1-10 | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |
| 570 | Тўрткўл | Уллубоғ | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |
| 571 | Шуманай | Ак жап | 6 | | | | 6 | 1-6 | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |
| 572 | Элликқальа | Элликқала | 24 | 1 | 24 | 2 | | | 2019 йил 10 октябрь 11:00 |

**ИЗОҲ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил ПҚ-4028-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикасида 2019 йил дастурида 866 та уй-жойлар (хонадон) қурилиши режалаштирилган. Лекин бугунги кунга аҳолининг аниқ талаблари ва эҳтиёж мурожаатларини ҳисобга олган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мурожаати асосида Мўйноқ туманида қурилиши белгиланган 20 та 4 қаватли уйлар ўрнига 20 та 3 қаватли уйлар қуриш белгиланиб, 2019 йил қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш параметрларига ўзгартиришлар киритилди. Шунга кўра, Мўйноқ туманида қурилаётган 20 та 4-қаватли (24 хонадонли) уйларнинг ўрнига 16 та 3-қаватли уй-жойлар (18 хонадонли) ҳамда 4 та 3-қаватли (12 хонадонли, 1-қавати нотурар жойлар) шундан 144 та хонадон қисқартирилди. 2019 йил дастур ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида 5 та 4 қаватли (24 хонадонли) ва 24 та 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар жами 144 та уй-жойлар (хонадон) 8 та туманларга жойлаштирилди.

**ИЗОҲ:** 1. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 24 август 103-104 (4233)-сонида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги «2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари № 2019-12»даги Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги ер массивлари ўзгарганлиги сабабли 458, 459, 460, 461, 462, 464 ва 465 лотлардаги 168 та уйга берилган эълон бекор қилинганини маълум қилган эдик. Техник хатоликлар сабабли 464 лот ўрнига 463 лот алмаштирилади.

Тақдимот

# Нажот – маърифатда!



Шу йилнинг 4 сентябрь куни қабул қилинган «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарорида жамиятда «жаҳолатга қарши маърифат» деган улуғвор ғоя асосида диннинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби фазилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва қонун устуворилигини таъминлаш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бўлиб ўтган давра суҳбатида давлатнинг дин ва диний ташкилотлар билан ўзаро муносабати, ислом динининг тинчликпарварлик моҳияти, ислом динида мутаассиблик ва жаҳолатнинг қуроланиши, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ғоясининг аҳамияти, экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш каби долзарб масалалар таҳлил қилинди.

Хорижий экспертлар, турли ташкилот вакиллари, диншунос ва шарқшунос олимлар иштирок этган тадбир доирасида Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Илмий тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар маркази томонидан тайёрланган «Жаҳолатга қарши маърифат» ўқув қўлланмасининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Ушбу қўлланмада миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг моҳияти, мутаассиблик, экстремизм ҳамда терроризмнинг салбий жиҳатлари кенг ёритилган. Шу билан бирга ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган бузғунчи оқим ва ҳаракатларнинг юзага келиш тарихи, уларнинг мақсади, ғоявий-ақидавий асослари, молиявий манбалари, фаолият услублари ва ғайриисломий моҳияти ҳақида тўлиқ маълумот берилган.

Тадбир иштирокчилари турли бузғунчи ғояларга қарши курашишда маърифатнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини таъкидлашди.

**Муқаддас РАЗЗОҚОВА,**
«ISHONCH»

Эълонлар

***Хабарнома!***

## «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ ва Ўзбекистон Мусулмонлари идораси «Жуйбори Калон» ўрта махсус ислом билим юрти билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ кимошди савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги мулк қўйилган:

2005 й.да и\ч, «Нексия» русумли, д\р 80\414 ОАА бўлган автомашина.

**Бошланғич баҳоси – 27 358 718 сўм.**

Савдо 2019 йил 12 октябрь куни соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар 2019 йил 11 октябрь куни соат 18:00гача қабул қилинади.

Сотилмай қолган автотранспорт воситаси савдо шартлари ўзгармаган ҳолда қайта очиқ савдоларга 2019 йил 19-, 26 октябрь ва 2-, 9-, 16-, 23-, 30 ноябрь кунлари чиқарилади.

**Савдоларда қатнашиш учун истак билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

– Мулкни сотиб олиш учун ариза;

– Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси;

– «Савдо ташкилотчиси»нинг ҳисобрақамига (МФО: 00119, СТИР: 300615974, банк: «Ипотека-банк» АТИБнинг «Сардор» филиали, ҳ/р: 20208000604658859001) мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридаги гаров пулини тўлаганликлари тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

– **Жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.

– **Юридик шахслар учун** – шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси. Агарда аукционда ваколатли вакил қатнашганда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Автотранспорт воситалари учун аризаларни қабул қилиш (шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисида эълон чоп этилган кундан бошлаб аукционга қўйилган мулклар билан танишиш имконияти яратилади.

**Манзил: Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 44-уй. Телефон: (0-365) 221-58-87.**

***Хизматлар лицензияланган.***

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ Жиззах вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Жиззах вилояти, Фориш тумани, «Янгиқишлоқ» ШФЙ, Х.Эсонқулов номидаги кўчада жойлашган «Жиззах дон қурилиш» МЧЖ балансидаги «7 турдаги маиший хизмат кўрсатиш маркази биноси».

**Бошланғич баҳоси** – 632 643 492 сўм.

2. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Ўрай қишлоғи, Ҳ.Олимжон номли кўчада жойлашган «Жиззах дон қурилиш» МЧЖ балансидаги «Маиший хизмат кўрсатиш биноси».

**Бошланғич баҳоси** – 655 856 296 сўм.

Очиқ аукцион савдоси 2019 йил 11 октябрь куни соат 11:00 да Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов номидаги шоҳкўча 14-уйда жойлашган Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг 320-хонасидаги савдо ташкилотчисининг манзилида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдоси 2019 йилнинг 25 октябрь, 2019 йил 4-,14-, 24 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишуви»ни имзолагандан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг Жиззах вилояти филиалининг ҳисобрақамига (ҳ/р: 20208000304876496002, «Ипотека банк» АТИБнинг Жиззах вилояти филиали, МФО: 00122, СТИР: 301743808) тўлашлари лозим.

Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда шартномалар тузилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

– **юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– **жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун билан белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, расмий иш кунида соат 9:00дан 16:00гача Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов номидаги шоҳкўча, 14-уйда жойлашган Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг 320-хонасида қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил:** Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов номидаги шоҳкўча, 14-уйда жойлашган Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси биносининг 320-хонаси. **Телефонлар:** +99893-999-88-57, +99890-968-86-74. **Электрон манзил:** e-mail: realtorservice@mail.uz.

**Лицензия RR-0008**

Қорақалпоғистон Республикаси

**Бугун Устюртнинг бепоён кенгликларида Ватан равнақи йўлида фидойилик билан фаолият юритаётган бир жамоа бор. Бу Устюрт қидирув бурғулаш бошқармаси – «Устюрт ҚББ» масъулияти чекланган жамияти ходимлари. Аҳил жамоанинг асосий иш жараёни ер қаъридан нефть ва газ конларини қидириб топиш ҳисобланади.**

# УСТЮРТДАН ХАЗИНА ИЗЛАБ...

## *Ёхуд нефтчилар эришаётган муваффақиятлар омили нимада?*




Уларнинг муваффақиятли меҳнати маҳсули сифатида яқин давр ичида янгидан «Оралиқ-1» ва «Қушқаир-1» конлари очилди. Жамоа жорий йилнинг ўтган олти ойида нефть ва конденсат захирасини бурғулаб топиш режасини 109,1 фоиз, табиий газ захирасини излаб топиш режасини 171,1 фоизга бажарди.

Айни пайтда корхонада 1281 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш маъмурият ва касаба уюшмалари зиммасидаги масъулиятли вазифалардан ҳисобланади. Жамоамизда ишлаётган ҳар бир аъзо, аввало, иш берувчи билан касаба уюшмаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасидан манфаатдордир. Чунки юридик кучга эга ушбу ҳужжатнинг ҳар бир банди ишчи-ходимларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этган.



Ишчиларимизда касалликлар аниқланса, дарров даволатиш ва профилактик чораларини кўришга ҳозирланамиз. 2019 йилнинг май-июль ойларида 1250 нафар ходим даврий тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ишлаб чиқариш объектларида фаолият юритаётган ходимлар шахсий ҳимоя воситалари ва махсус кийим-бош билан таъминлаб борилади. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида ушбу мақсадлар учун корхона маблағларидан 500 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, озиқ-овқат билан таъминлашга 1 миллиард 325 миллион сўмдан ортиқ сармоя сарфланди.

Корхонада қидирув ва бурғулаш жараёни ўн беш кунлик (вахталик) асосда бажарилади. Ходимларимиз ишдан бўш вақтларини унумли ўтказиши учун ҳар хил маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этамиз.

Корхонамизда кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийларимиз ҳурмат-эътиборда. Бу йил 10 нафар ходимга дам олишга чиқиши муносабати билан корхона ва касаба уюшмаси ҳисобидан 57,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Ёнма-ён меҳнат қилиб, 50, 55, 60 ёшларини қарши олган 32 нафар ходим моддий рағбатлантирилиб, қимматбаҳо совғалар берилди.

Шу масканда меҳнат қилиб, пенсияга чиққан фахрийлар ҳам ҳамиша эъзозда. Улар ҳолидан доимо хабар олиб турилади. Хусусан, кўриш қобилиятида нуқсони бўлган Жапақ Ҳакимбоевга даволаниши учун кўмак берилган бўлса, узоқ йиллар корхонамизда фаолият кўрсатиб, пенсияга чиққан Василий Криковга иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси 1 миллион 400 минг сўм моддий ёрдам кўрсатди. Икки нафар фахрий «Қўнғирот» санаторийсида имтиёзли соғломлаштирилди.



Корхона касаба уюшма ташкилотига мурожаат этиб, ижтимоий ёрдам сўраган ҳар бир ишчи эътибордан четда қолмайди. Ўтган давр ичида 48 нафар ходимга корхона ҳисобидан 3,6 миллион ва касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан 19, 5 миллион сўм миқдорида кўмак берилди. Олий ўқув юртида таҳсил олаётган бир нафар талабага ўқув шартнома пулларининг бир қисми тўлаб берилди, туғуруқ таътилидаги бир нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

Устюрт қидирув бурғулаш бошқармасида меҳнат қилаётган ёшлар кўп. Улар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш баробарида яқиндан суҳбат қуриб, фикрлашиб турамиз. Мулоқотлар давомида 21 нафар ёш оиланинг турар-жойга муҳтожлиги аниқланди. Маъмурият билан ҳамфикрликда намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган уйлардан 21 таси учун ипотека кредитлари корхона ҳисобидан тўлаб берилди. Ушбу мақсадларга 365,5 миллион сўм фоизсиз ссудалар ажратилди. Янги уйларга кўчган ёш оилаларда ҳовли тўйлари байрамга уланиб кетди.

Касаба уюшма аъзоларининг истак ва талаблари доимо эътиборга олинади. 85 нафар ходимнинг хоҳишлари инобатга олиниб, мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар билан зиёратгоҳларга олиб бордик.

Жамоамизнинг аҳиллигига кўрганларнинг ҳаваси келади. Яхши-ёмон кунларда, қувонч-у ташвишларда биргамиз. Яқинда «Аму ирғоқлари» ансамбли тайёрлаб келган концерт дастурига жамоамиз аъзолари билан бориб, кўнгилли дам олдик. Замонавий талқиндаги, тарбиявий аҳамиятга эга фильмларни қизиқиб кўрамиз.

Йил давомида ўз касбларига виждонан ёндашиб, фидойилик намуналарини кўрсатган ходимларимиз ва уларнинг оила аъзолари учун ҳар доим санаторийларга имтиёзли йўлланмалар тайёр. Шу кунгача касаба уюшма имтиёзларидан 22 нафар ходим фойдаланган бўлса, яна 33 нафар ходим «Геолог» санаторийсида корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилди.

Ёз мавсумида ишчиларининг фарзандларини намунали соғломлаштириш мақсадида маъмурият билан режа туздик. Унга асосан 160 нафар бола Шаҳрисабз шаҳридаги «Беруний» болалар дам олиш оромгоҳида ва 20 нафар бола Элликқалъа туманидаги «Орол болалари» марказида ҳордиқ чиқарди.

Бугун жамоамиз эришаётган ютуқларнинг асосий омили – бирдамликда, ҳамфикрликда. Бирлашган муродга етар деганлари аслида шу!

**Махсет ҚУРБАНИЯЗОВ,**
Устюрт қидирув бурғулаш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Мулоҳаза учун мавзу

# ҲИСОБДА ЙЎҚ «ҲИСОБЛАР»

## *Ёхуд «йўқолган» жамоалар, «яширилган» пуллар ва «ёпиқ» трансферлар ҳақида*

**ТАҚҚОС: НЕГА, НИМА УЧУН?**

Футболнинг ашаддий ишқибозиман. 1980 йилларда шунақанги ўйинлар бўлардики, стадионлар мухлислар билан тўлиб-тошарди. Шундай футболчилар бор эдики, жонини жабборга берарди. Ҳозир-чи?

Стадионлар деярли бўм-бўш. Сабаби кўп. Шунинг учун кўпчилик Англия, Испания, Италия ва Германия футболига мухлислик қилади. Ўзимизнинг жамоалар бир четда қолиб, четдаги жамоа ва ўйинчиларни муҳокама қилишади.

Ишқибозлик қурсин, «фанат» бўлгандан кейин кўп нарсани таққослар экансиз. Таққослаш бор жойда эса ўз-ўзидан саволлар туғилади: нега, нима учун?

Агар хориждаги, дейлик, Англиядаги жамоаларнинг «паспорт»и билан қизиқсангиз, уларнинг орасида 100 га «кираётган», 100 «ёш»дан ошганларни ҳам учратасиз. Премьер лигадаги эмас, қуйи лигадаги жамоалар ҳам 50-60 ёшни «уриб қўйган». Бизда-чи?

Бизда кўп жамоалар «туғилади-ю, тезда ўлади». Сабаби оддий: ҳаммаси жойларда ҳоким, раҳбар ва ҳомийларнинг футболга муносабатига боғлиқ. Таниқли футбол мутахассиси, футболимиз жонкуяри Ахбор Имомхўжаев айтганидек, ҳоким футболга қизиқса, хўб-хўб, қизиқмаса, не машаққат билан ташкил этилган жамоа ҳам йўқ бўлиб кетади.

Мен турли йилларда футбол бўйича Ўзбекистон чемпионатида қатнашган жамоалар тарихи билан қизиқдим. Ҳали 30 га ҳам «кирмаган» чемпионатимизда вақтида чемпион бўлган «Дўстлик», МАСК каби жамолар бугун «таг-туби» билан йўқ. Вақтида олий (ҳозирги супер) лигада «фаолият кўрсатган» 20 га яқин жамоани бугун қуйи лигалардан ҳам тополмайсиз. Ўзи шу жамоаларни бирма-бир номма-ном келтириб, битта «супер лига» тузса ҳам бўлади, аммо улар сон жиҳатидан ортиб қолади.

Шу жойда яна юқоридаги гапга қайтамиз: нега хориждаги жамоалар йўқ бўлиб кетмайди? Чунки уларнинг эгаси, эгалари бор. Хусусий мулкчилик шаклининг турли кўринишларида ташкил этилган бу жамоалар узоқ йиллар давомида қўлдан-қўлга ўтиб келаверади. Тўғри, уларнинг орасида ҳам хўжайин банкрот бўлиши оқибатида «ўйиндан чиқадиган» жамоалар учраб туради. Аммо бу ҳолат жуда камдан-кам кузатилади. Бизда эса...

Миллий чемпионатимизнинг аввалги ва ҳозирги иштирокчилари орасида молиявий жиҳатдан оғир кунларни бошидан ўтказмаган жамоа топилмаса керак. Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси олий лигадан тушиш, қуйи лигадан чиқиш бўйича «чемпион» бўлса керак. Чунки жамоанинг иқтисодий аҳволи бирда ундай, бирда бундай. Бу йил эътибор яхшилиги учун жамоа ҳозирча турнир жадвалида тўртинчи ўринда...

**ФУТБОЛИМИЗДАГИ «ТИЖОРАТ СИРИ»**

Хориждаги жамоаларнинг иш тутумига ҳайрон қоламан. Улар ҳам биздаги жамоаларга ўхшаб иш тутса бўлмайдими? Яъни, молиявий маълумотларни яширса, яхши эмасми? Йўқ, улар ҳисобрақамда қанча маблағ бор, қанча тушум бўлди-ю, қанақа харажатлар... ҳаммаси ҳақида очиқ-ойдин маълумотлар бериб боришади. Ҳаттоки, келгусида кўзда тутилаётган тушум ва харажатлар тўғрисида ҳам оммани хабардор қилишади. Бизда эса ҳаммаси сир сақланади.

Футболчиларнинг трансфери, яъни у жамоадан бу жамоага ўтиши ҳақидаги маълумотлар хорижда икир-чикиригача ошкор қилинади. Футболчи қанчага сотилди, неча йилга шартнома тузди, қанча маош олади, товон пули қанча... ҳаммаси очиқ-ойдин айтилади. Бизда эса... ҳаммаси тескари.

Бизда аксарият футболчилар жамоа билан бир ёки икки йиллик шартнома тузади. Нега шундай? Негаки, футболчи жамоанинг келгусидаги ишлари «беш» бўлишига ишонмайди. Жамоалар ҳам «келиб-кетувчи»ларни маъқул кўради. Чунки эртанги кунга (раҳбарга, ҳомийга) ишонч йўқ-да. Битта жамоада 4-5 йил ўйнайдиган футболчилар бизда «вафодор» ҳисобланади. Хорижда эса битта жамоада 10-15 ва 20 йиллаб тўп сурадиган футболчилар кўп.

Очиғини айтиш керак, ўзимиздаги футболчилар ҳам ёмон яшамайди. Уларнинг ойлиги, мукофот ва кўтарма пуллари уй ҳамда машина олишга бемалол етади. Фақат бу ҳақда лом-лим дейилмайди, маълумотлар берилмайди, холос.

**ФУТБОЛ БИЗНЕСГА АЙЛАНГАНМИ?**

Ҳа, миллионлар ўйини бўлмиш футбол аллақачон бизнесга айланиб бўлган. Бизнесда эса кутиб, вақтдан ютқазиб ўтирилмайди.

Футбол деганда, биринчи навбатда, кўз олдимизга Бразилия келади. Бу мамлакат иқтисодиётида футболчиларнинг ҳам ўз улуши бор. Гап шундаки, мингдан зиёд бразилиялик футболчилар хорижда тўп суришади. Биз уларнинг энг номдорларини танийсиз, холос. Уларнинг орасида йиллик маоши 10 миллион доллардан ошадиганлари қанча? Хуллас, ўша мингдан ортиқ футболчи умумий ҳисобда мамлакатга яхшигина маблағ олиб киради.

Бизда ҳам четда ўйнаётган футболчилар бор, фақат улар бармоқ билан санарли. Кейин Одил Аҳмедов ва яна бир-иккита футболчини ҳисобга олмаганда қолганларнинг маоши катта эмас. Агар футболчи кучли чемпионатда ўйнаса, ҳам маҳоратини оширади, ҳам яхшигина пул ишлаб олади.

**УМИД...**

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қачон футболда шаффофликка эришамиз? Қачонгача жамоалар тақдири раҳбарлар ва ҳомийлар муносабатига боғлиқ бўлади? Қачон биз ҳам ҳаммасини билиб, ҳаммаси ҳақида фикрлашамиз?

Маълумки, яқинда Ўзбекистон футбол ассоциацияси раҳбарияти ўзгарди. Умид қиламизки, энди ҳаммаси ўзгаради...

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ,**
«ISHONCH»

**PS:** ***Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейишади. Мана, фикримизнинг ёрқин исботи – 5 сентябрдаги футбол ўйини натижаси: Фаластин – Ўзбекистон: 2-0.***

***Кейинги кунларда ижтимоий тармоқда шу ўйин роса муҳокама қилинди. Муҳим ўйинга машғулот пайтида «баклажка» ўйнаб тайёргарлик кўрган футболчиларимиз кўзи чақнамаганликда, масъулиятсизликда айбланди. Ишқибозлар куюнчаклик билан ўзбек футболига, футболчиларга турли «ташхис»лар қўйишди. Бизнингча, мухлислар ҳақ. Улар 2022 йил Қатарда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоасини кўришни ниҳоятда хоҳлашади. Ишқибозларга «яширинча» эмас, очиқ футбол керак. Бор гап шу...***

Реклама ва эълонлар




Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгаши ходими Исмоил Холбековга акаси **Гелдиёр ХОЛБЕКОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Hurriyat fayz» хусусий корхонасига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани «Қўшёғоч» ҚФЙ ҳудудидаги АЁҚШ бино-иншооти учун берилган 11-15-07-01-02-0227 рақамли кадастр ҳужжатлари – Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги (ТА № 0618747 рақамли) гувоҳнома ҳамда Ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги (O'Y №221354 рақамли) гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

***

Тошкент қурилиш миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Маъруфова Гулбаҳор Абдулхай қизига берилган KN 2250086 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ИБРАТ МАНЗИЛЛАРИ ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ(МИ?)



*Музейлар – ибрат масканлари. Улар инсоният тараққиётининг турли босқичларини намоён қилади, тарихни акс эттиради. Бундай гўшаларга ташриф буюрган киши борки, мозий манзилларини сарҳадсиз сайр қилади, ўзи учун олам-олам маъно ва хулоса олади.*

*Ёш авлод қалбида маънавий меросимизга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда музейларнинг ўрни беқиёс. Музейлар нафақат халқимиз тарихидан ҳикоя қилувчи осори-атиқаларни сақлайдиган, намойиш қиладиган муқаддас маскан, балки таълим тизими ривожида, навқирон авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавият даргоҳи ҳамдир.*

*Хўш, бугун юртимиздаги музейларнинг ҳолати қандай, улардан қанчалик хабардормиз? Мухбирларимиз ана шу савол билан мамлакатимиздаги музейларда бўлди.*

***Долзарб мавзу***

*Тошкент шаҳри*



## БИЗ НЕГА МУЗЕЙГА БОРМАЙМИЗ?

**Далил.** 2018 йилда Париждаги Лувр музейига 10 миллион нафардан зиёд киши ташриф буюрган. Музей директори Жан-Люк Мартинезнинг айтишича, бу кўрсаткич муассаса тарихида рекорд натижа бўлган.

**Ҳолат.** Айни пайтда мамлакатимизда 1200 дан зиёд турли йўналишдаги музейлар мавжуд. Энг муҳими, ушбу даргоҳларга сешанба ва жума кунлари мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналарига кириш бепул қилиб қўйилган.

**Савол.** Бу каби яратилган шароит ва имкониятлар сабаб биз Лувр музейини ортда қолдирсак керак-а?

Шу савол билан пойтахтимиздаги музейларда бўлдик.

**Геология музейи.** Бу масканга кирган киши ҳайратда қолади. Нега дейсизми? Унда юртимиз ҳудудидан археологлар топган экспонатлар, динозавр, мамонт, қушлар суякларининг қолдиқлари, турли хилдаги тошлар шу қадар кўпки, ўзингизни қадим замонга боргандек ҳис қиласиз.

**Ўзбекистон давлат табиат музейида** ҳам шундай манзара ҳукмрон.

**Соғлиқни сақлаш музейи**да қадим тиб оламидан тортиб, бугунги кун тиббиётигача бўлган тарих кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Пойтахтимизда кўплаб уй музейлари ҳам мавжуд. Биргина машҳур ҳофиз Юнус Ражабий яшаб ижод этган уйда 6000 мингга яқин экспонат сақланар экан. Юнус Ражабий ёзган 12 жилдли китоб қўлёзмалари, унга тегишли чолғу созлари (дутор, най, танбур), кийимлар, концерт кийимлари, ўзбек халқ чолғу созлари коллекцияси, ўз оиласи, устозлари, шогирдлари ва сафдошларининг мойбўёқда ишланган портретлари. Кириш эса мутлақ бепул. Абдулла Қаҳҳор, Ойбек уй-музейлари ҳам ўзига хос.

Аммо уларга кирувчилар сони бармоқ билан санарли... Буёғини энди тушунгандирсиз?

Биз музейларга кирувчилар нега камлигини сўраб, тўғрироғи, бир йилда қанча инсон музейларга ташриф буюришини билиш мақсадида Маданият вазирлигига мурожаат қилдик. Албатта, музейга хоҳлаган инсон боради. Аммо тарғибот ҳам муҳим ўрин тутади-да. Мурожаатимиз шу важдан...

Афсуски, Маданият вазирлигининг Музейлар бошқармасидан жўяли фикр ололмадик. Музейларга ташриф буюрувчилар рейтинги ҳали тузилмаган экан. Тузилган тақдирда ҳам мутасаддилар бу маълумотни аввал ўз расмий сайтлари ва газеталари орқали эълон қилиб, сўнгра бошқа оммавий ахборот воситаларига улашишини айтишди.

Ёш авлод қалбида маънавий меросимизга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда музейларнинг ўрни беқиёслигини ҳисобга оладиган бўлсак, музейлар бўйича оддийгина маълумотнинг йўқлиги... Ажабланарли ҳол, шундай эмасми?..

«The Art Newspaper» халқаро бадиий журнали «Дунёнинг энг кўп ташриф буюрувчилар музейи» 100 талигини тузган. АҚШда 18 та, Буюк Британияда 14 та, Лондонда 11 та, Испанияда 9 та, Францияда 8 та, Бразилия ва Россияда 5 тадан йирик музейлар кирган рўйхатда Ўзбекистоннинг битта ҳам музейи йўқ.

Демак, англашиладики, мутасаддилар аҳолини музейларга қизиқтириш борасида изланмаяпти. Агар изланиш бўлганида, шунча шароит ва имконият яратилган масканларга бир йилда қанча киши киргани ҳақида маълумот бўлар эди.

Ахир, тарғиботнинг биринчи босқичи одамлар музейга келяптими ёки йўқми, деган саволга жавоб топишдан бошланмайдими?

**Муқаддас РАЗЗОҚОВА,**
«ISHONCH»

*Самарқанд вилояти*

**Самарқанд шаҳридаги Ўлкашунослик музейи 1981 йилда расман шу мақомга эга бўлган. Бу ерда бугунги кунда юртимиз тарихига доир 30 мингдан ортиқ асори-атиқа сақланади.**

**Музей биносини 1902-1916 йиллар оралиғида Абрам Қалантаров деган савдогар барпо этган. Бино соҳиби меҳмонхонага мўлжаллаган хона жиҳозига алоҳида эътибор қаратган. Биргина шифтнинг ўзи миллий андазалар асосида 7 қават ёғоч ўймакорлиги жилолари асосида бунёд этилган. Қандил Варшава, катта тошойна эса Венециядан келтирилган. Асримиз бошида немис усталари 7 та иситиш печининг ҳар бирини қуриш учун етти-саккиз ойлаб вақт сарфлашган. Ҳар бир печ қурилишига хонадон соҳиби 10 минг кумуш рубли тўлагани хусусидаги қайднома мавжуд.**

## МЕҲМОН КУТИБ МУНҒАЙГАН МАСКАН





– Бу ерда Наполеон Бонапарт даврида Парижда ишланган стол-стуллар ҳам бор, – дейди музей ходимаси Зуҳра Ярқулова. – Унинг музей хазинасидан ўрин олиши ҳам ўзига хос тарихга эга. XIX асрнинг бошида (1814-1815 йиллар) Александр I Парижда бўлганида ўша даврда урф бўлган мебеллар тўпламини олиб қайтади. Тарихий тасодиф туфайли бу анжомлар рус академиги Беленков ихтиёрига ўтади ва унинг хонадони безагига айланади. У оламдан ўтгач, беваси бисотидаги энг қиммат ашёни сотувга қўяди. 1946 йилда таъминотчи Арон Каплан деган шахс мазкур жиҳозларни 96 минг рублга харид қилиб, Пастдарғом туманидаги колхоз биносига туҳфа этган. 2006 йили Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейи арафасида Ўлкашунослик музейига олиб келинган.

Музейдаги мавжуд учта бўлимда юртимиз тарихи ва табиатига хос нодир экспонатлар мавжуд. Қўлёзмалар фонди мутасаддиси Аҳмадхон Облоқуловнинг айтишича, 700 тадан зиёд нодир қўлёзмалар авайлаб асраб келинмоқда. Уларнинг энг қадимийси 1342 йилда битилган мантиқ илми сабоқларига тегишли.

Музей раҳбари Худойқул Холматов ҳамроҳлигида бу ердаги ашёлар ва уларнинг тарихи, сақлаб қолинишида фидойилик кўрсатган кишилар хусусида анчайин мулоқот қилдик. Кўҳна бинони асраш борасида ишлар ҳам назардан четда қолмади.

– Бино анча эскирган, – дейди Худойқул Холматов. – Айниқса, том қисми бутунлай яроқсиз ҳолга келган эди. Бу ҳолатни музейлар бошқармаси раҳбарига етказдик. Бошқарма сайъ-ҳаракати билан бино томи тўлиқ таъмирланди.

Бироқ бу ерда ҳали-ҳануз камчиликлар бисёр. Музей ҳовлисидаги йўлакларга ётқизилган ғиштлар увадага айланган. Боз устига, бинонинг бир қисмига дарз кетиб, айнан кириш йўлаги пештоқи қулаб тушиш ҳолатига келган. Музей ходимлари тили билан айтганда «фонд»га кириш йўлаги авария ҳолатида. Бу аҳволни на музей, на бошқарма маъмурияти бартараф этмади. Чунки бино маданий мерос объектлари рўйхатида туради.

– Мазкур ҳолатни вилоятдаги мутасадди ташкилотларга расман хат орқали баён этганмиз, – дейди Худойқул Холматов. – Улардан вакиллар келишди. Чизмалар қилишди. Ўрганишди. Кутдик, ҳеч дарак бўлмагач, авария ҳолати юз бераётган қисмида жойлашган ғазна (касса)ни, келувчиларга бироз ноқулай бўлса-да, бошқа эшикка кўчирдик.

Яна бир гап. Бу даргоҳга келувчилар ҳам саноқли.

Музей билан танишув, раҳбар билан суҳбат кишини ўйга толдиради: Маънавиятимизнинг баҳоси шунчалар пастми? Ўтмишдан садо бериб турган қадриятларга эътибор шуми? Юксак туризм салоҳиятига эришиш йўлида одимлаётган Самарқандга одамлар йўлига кўз тикиб, мунғайган музей керак эмасми, ё!

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

*Қорақалпоғистон Республикаси*








*Андижон вилояти*

**Ўтган йили Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейига 58 минг 800 нафар киши ташриф буюрган. Уларнинг асосий қисми ўқувчилар. Бу масканга қадам ранжида қилганларнинг 250 нафари чет эллик сайёҳлардир.**

## МОЗИЙ КЎЗГУСИ КЕРАК ЭМАСМИ?

Битта филиал ҳамда бешта бўлимга эга бўлган, қарийб 150 мингдан зиёд экспонатлар жойлашган музей учун бу рақамлар кам эмасми?

– Кам, албатта, – деди музей мутахассиси Улуғбек Тожибоев. – Аввало, маҳаллий ва хорижий меҳмонларни кўпроқ қизиқтирувчи халқ амалий санъати бўлими жойлашган Жомеъ меъморий мажмуаси йил давомида капитал таъмирланди. Шунинг ҳисобига музейга келувчилар сони аввалги йилларга нисбатан камайиб кетди. Маҳаллий ва хорижий меҳмонлар учун тарих ва бугунги кун ҳақида сўзловчи турли мавзулардаги экспозициялар, кўргазмалар ташкил қилдик. Қирғизистонлик ҳамкасблар билан тажриба алмашиш мақсадида алоқалар йўлга қўйилди. Фаолиятимизни кенгроқ тарғибот қилиш, ишга янгича ёндашув тамойиллари устида изланяпмиз.

Андижон туманидаги 36-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида яхши анъана шаклланган: деярли ҳар ойда, таътил кунларида ўқувчилар маданият муассасаларига боришади. Жумладан, музейларга саёҳат ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мақташга арзигулик. Мактаб раҳбари Умида Охунжонованинг фикрича, тарихий манбалар, нодир буюмлар, осори атиқалар, тарих ва маданиятимиз билан боғлиқ экспонатлар ёшларнинг билимини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришда катта аҳамиятга эга.

Айниқса, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди қошидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи, ундаги ноёб манбалар хусусида сўз очилгудек бўлса, ўқувчилар бу ҳақда соатлаб сўзлаб чарчашмайди. Устозларнинг таъкидлашича, ўқувчилар адабиёт, тарих фанлари бўйича олимпиадаларда мунтазам равишда юқори кўрсаткичга эришиб келаётганининг асосий омилларидан бири ҳам мана шунда.

Мазкур фикрлардан келиб чиқилса, музейлар бўш вақтни мазмунли ўтказиш воситасигина эмас, билимни бойитиш, тарихни, аждодларни ўрганиш, ўзликни англашда ҳам бирламчи ўринда туради, дейишга асос бор.

Энди бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Бозорга кирдингиз. Мева-чева растасидан ял-ял «ёниб» турган қирмизи олмага кўзингиз тушса, ўтолмай қоласиз. Сотувчи пештахтага қўйган маҳсулотини ярқиратиб артиб, дид билан териб қўйган. Нархини сўрайсиз, албатта, харид қилгингиз келади. Бу манзарани айтишдан мурод шуки, маънавий неъматимиз ҳисобланмиш музейларимизни кенг халқ оммасига, аҳолининг турли қатламларига кўрсатишни, керак бўлса, кўз-кўз қилишни ўрганишимиз керак. Тарғибот деганлари мана шу йўлга хизмат қилиши лозим.

Айрим музейларда тарғиботга ҳаракатлар бор. Бироқ кишини ҳайратлантирадиган, ўзига тортадиган даражада эмас. Буклетлар, жажжи китобчалар, маълумотлар варақчалари, эсдалик буюмлари, тақвимлар... қилиш мумкин-ку?! Ёки дейлик, интернет сайтида экспонатларнинг «3D» шаклини яратиб, хорижлик сайёҳларга ҳам кўз-кўз қилишга қодир мутахассислар топилмайдими? Музей тўғрисида, ҳатто тасаввурга эга бўлмайдиган одамлар ҳам орамизда борлигини яширмайлик. Зеро, киши қаерга нима учун бораётганини, албатта, билиши керак!

**Нурилло НЪЪМОНОВ,**
«ISHONCH»

## «ТЎКИЛАЁТГАН» ТАРИХ

**Буюк аждодларимиздан қолган ноёб топилмалар, тарихий экспонатларни бир ерга жамлаб, сайёҳларга, ёшларимизга намойиш этиш ва келгуси авлодга борича етказиш мақсадида Хўжайли тумани ҳокими 2013 йилда Тарих ва ўлкашунослик музейини ташкил этиш борасида қарор қабул қилган эди.**

Бошида ишлар яхши бошланди. Қарорга асосан шаҳардаги 17-маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 1894-1896 йилларда бунёд этилган эски иморат музей учун ажратилди. Масканга 3700 тага яқин экспонатлар йиғилди.

Аммо бугун 125 ёшли бино тўкилиб кетиш арафасида турибди. Экспонатлар эса кўз ўнгимизда ўзининг ноёб хусусиятини йўқотмоқда. Масалан, бу ердаги тракторлар қишда очиқ ҳавода қор, ёмғир остида емирилаётган бўлса, ёзда саратон чилласида «эримоқда». Энг ачинарлиси, музейда фаолият юритаётганларнинг биронтаси ҳам ойлик иш ҳақи олмайди.

– Ўзимиз-ку майли, қоровулга иш ҳақи беролмаслигимиздан хижолатдаман, – дейди музей директори Ўразимбат Абдреймов. – Вазирлик, ҳокимлик ва музей раҳбарияти қабулига боравериб чарчадим. Энди кимга мурожаат этишни билмай, овораман. Аслида, ушбу музей учун янги иморат қуриш бўйича амалий ишлар бошланиши керак эди. Лекин мутасаддилар фақат ваъда беришдан нарига ўтмаяпти. Ўша пайтдаги Хўжайли тумани ҳокими Қ.Ешбаев Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазирига йўллаган мурожаатномасида музей учун энг камида беш штат бирлиги (музей директори, жамғарма раиси, экскурсавод, қоровул ва техник ходим) очиб беришда амалий ёрдам кўрсатишни илтимос қилган эди. Афсуски, у ҳам қоғозда қолиб кетди.

Ҳақиқатдан ҳам, музей хароб ҳолатда. Бу масканда эл тарихи сақланмоқда. Аммо унинг бугунги аҳволига ҳеч ким ачинмаяпти. Наҳотки, мутасаддиларда Ватан келажаги, ёш авлод истиқболига дахлдорлик ҳисси бўлмаса?!

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
«ISHONCH»





***P/S. Музей ўтмишимиздан сўзловчи, кечаги кунимизга аслича кўзгу тутувчи маскан ҳисобланади. «Ўтмишни билмай туриб келажакни яратиб бўлмайди» деганларидек, бундай маънавият масканларида бўлсак, бу ердаги кечаги кундан сўзловчи осори-атиқалар, дурдона асарлар, табиатнинг беназир ноёб туҳфаларидан баҳраманд бўлсак, бунга фарзандларимизни ҳам жалб этсак, уларнинг ҳаётга теран назар билан боқиши, дунёқараши ўсишига сабабчи бўлган бўлар эдик. Муҳтарам ўқувчи, халқимизни музейларга жалб этиш, қизиқтириш борасидаги фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.***

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА – **02:00**
Топширилди – **02:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 4 босма табоқ.
Буюртма **Г – 919.**
**28020** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5